

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**МАМАСИДДИҚОВ МУЗАФФАРЖОН
МИРАХМЕДОВА НИЛУФАР**

**Фуқаролик процессида прокурор
иштироки: миллий амалиёт
ва хорижий тажриба**

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

**Тошкент
“Адолат”
2016**

УЎК: 347.91/.95(575.1+100)
КБК: 67.72

М 23 Мамасиддиқов, Музаффаржон.

Фуқаролик процессида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба [Илмий-амалий қўлланма]/ М. Мамасиддиқов, Н. Мирахмедова – Тошкент, “Адолат”, 2016 й. – 220 б.

ISBN 978-9943-4692-6-6 УЎК: 347.91/.95(575.1+100)
КБК: 67.72

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Илмий кенгашининг 2016 йил 2 майдаги 5-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Тақризчилар: **Л.А. Саидова** – Юристлар малакасини ошириш маркази Халқаро ҳуқуқ кафедраси мудир, юридик фанлари доктори.

З.Н. Эсанова – Тошкент давлат юридик университети проректори, юридик фанлари доктори.

Д.Ю. Хабибуллаев – Тошкент давлат юридик университетининг Фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал ҳуқуқи кафедраси мудир, юридик фанлари номзоди, доцент.

Муҳаррир: **Р.С. Қосимов**

Мазкур қўлланмада фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир илмий ва амалий масалалар, прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги иштирокига оид мамлакатимиз қонунчилигининг таҳлилига бағишланган бўлиб, унда айрим ривожланган хорижий давлатлар ва МДХга аъзо давлатларнинг фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир қонун нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ва қиёсий жадвали, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда Олий суд Пленуми қарорларидан кўчирмалар, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати ўрин олган.

Ушбу китоб прокурорлар, фуқаролик ишлари бўйича судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун қўлланма вазифасини ўтайди. Мазкур қўлланма фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган тадқиқотчилар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари, юридик олий ўқув юрти талабалари учун ҳам мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4692-6-6

© Мамасиддиқов М.М., Мирахмедова Н.А., 2016

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, 2016

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти, 2016

КИРИШ

Мамлакатимизда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби, шунингдек прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган. Ўзбекистон Республикасида прокуратура бутун мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлатнинг мустақил органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланган (118-модда).¹

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.²

Прокуратура идоралари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши зарурлиги хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов улар фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарурлиги, бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчи эканлигига алоҳида урғу берган.³

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2014. – Б. 32–33.

² Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги тахрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 168-модда.

³ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон. 2002. – Б. 46–47.

И.А. Каримов ўз маърузаларида прокуратура тизими зим-масидаги конституциявий вазифа қай даражада ва қанчалик самарали бажарилаётганлиги масаласига тўхталиб, биринчи навбатда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарурлигини қайд этган.⁴

Дарҳақиқат, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнида прокуратура органлари фаолиятини ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнги йилларда прокуратура органлари фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига оид қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартишлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялашга доир ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди. Эндиликда прокуратура инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоячиси сифатида янгича ҳуқуқий мақомда фаолият юритмоқда. Шу ўринда, прокурорнинг судларда фуқаролик ишларини кўришдаги иштирокига оид нормалар такомиллашиб бораётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Маълумки, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳисобланади (“Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 4-моддаси). Қонунларни тўғри татбиқ қилиш борасида прокуратура органларининг фаолияти судларни кўришга бирмунча ўхшаш бўлса-да, судлар ўз фаолиятини одил судловни амалга оширишга қаратадилар, прокуратура эса, одил судловни амалга оширишда судларга ҳар томонлама кўмаклашувчи орган ҳисобланади.

Шундай қилиб, суд ва прокуратура органларининг қонунларнинг тўғри татбиқ қилинишидаги назорат вазифасида ўхшашликлар бўлса-да, бироқ бу вазифаларни амалга оширишда суд ва прокурор турли ўзига хос усул ва шакллардан фойдаланади.

⁴ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // Халқ сўзи, 2015 йил, 6 декабрь.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилиниши (1997 йил 30 август) муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги вазифаси борасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Эндиликда фуқаролик суд ишларини юритишда прокуратура органлари ўз олдиларига қўйилган ва қонунда кўрсатилган қатор вазифаларни амалга ошириш билан бирга, суд процессида фаол қатнашиб, иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг аҳамиятини аниқлашда, биринчи навбатда, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли жамият қуриш, муҳим принциплардан бўлмиш қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатларининг талаб ва нормаларига сўзсиз риоя этиш ғоясидан келиб чиқиш керак. Зеро, ҳуқуқий давлатда юқорида қайд этиб ўтилган принципларнинг амалда бўлиши нақадар муҳим бўлса, ушбу принципларга амал қилинишини кафолатлаш ҳам шу даражада муҳим ҳисобланади. Судларда фуқаролик ишларини кўриш жараёнида прокурор қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зиммасига юклатилган асосий вазифаларни бажариш баробарида фуқаролик суд ишларини юритишнинг Фуқаролик процессуал кодексининг 4-моддасида назарда тутилган вазифаларини амалга ошириш борасида судларга кўмаклашади ва шу орқали ҳам ҳуқуқий давлатнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

I. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОК ЭТИШ АСОСЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ (МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА МИСОЛИДА)

1.1. Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Зеро, қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узок муддатли ва изчил ислохотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.⁵

Асосий Қонунимиз бўлмиш Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиш, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши (13-модда) мустақкамлаб қўйилган бўлиб,⁶ Конституцияда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлидаги ислохотлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тўла қамраб олаётир. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги принципи суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотларни ҳаракатлантирувчи қудратли омилга айланди.

Маълумки, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари алоҳида ўрин тутади. Юртбошимиз И.А. Каримов иккинчи чақи-

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 2 августдаги ПФ–4459-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012. 31-сон, 355-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2014. 6-бет.

риқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги (2001 йил 29 август) “Адолат – қонун устуворлигида” деб номланган маърузасида прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланишини, у ҳуқуқий ислохотларни ўтказиш, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.⁷

Айнан ўша куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдек асосий вазифалари мустаҳкамлаб қўйилди.⁸

Қайд этиб ўтиш керакки, прокуратура органлари зиммасига юклатилган мазкур вазифалар улар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш орқали ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Судларда фуқаролик ишларини кўришда прокурор иштирокининг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишидаги асосий вазифалари – қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

⁷ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон. 2002. 45-б.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 168-модда.

Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асоси прокурор зиммасига қонун билан юклатилган мақсад ва вазифалардан, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш муддаосидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар прокурорнинг фуқаролик процессида иштирокининг асосини унинг функцияси ташкил этади, деган фикрни илгари суради.⁹

Дарҳақиқат, фуқаролик процессининг бошқа иштирокчиларидан фарқли равишда прокурорнинг ишда иштирок этиш асослари ҳамма вақт ҳам суд орқали манфаати ҳимоя қилинаётган шахслар доирасига боғлиқ деб бўлмайди. Масалан, ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги прокурор аризасида ушбу ҳужжат орқали айнан кимнинг, қандай ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқлаштирилиши ёки ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ариза билан фуқаронинг мустақил равишда мурожаат қила олмаслиги узрли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилмайди.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролик суд ишларини юриштиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бажарилиши юзасидан прокурор ваколатини таъминлаш мақсадида прокурор судларнинг мустақиллиги ва фақатгина қонунга бўйсунитиш тамойилига қатъий риоя этиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади.

Жамиятимизда турли хил ҳуқуқий муносабатлар ривожлангани сари фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган мурожаатлар сони ортиб, суд тартибида ҳал этилишига муҳтож ҳар хил янги, бирмунча мураккаб ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишлари кўпайиб бораётганлиги, натижада фуқаролик ишлари бўйича судьялар иш ҳажми кенгайиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тўғри ва ўз вақтида, самарали ҳимоя қилиш заруратининг юзага келаётганлиги фуқаролик

⁹ **Қаранг.** Иванов С.А. Защита прокурором прав и законных интересов граждан в российском гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 18.

процессада прокурор иштирокининг долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари кейинги пайтларда 3,4 баробар кўпайган ва 2012 йилда 2 миллиондан зиёд ҳужжатни ташкил этган.¹⁰

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьяларининг ойлик иш ҳажми (юкламалари)га доир маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, агар 2012 йилда фуқаролик ишлари бўйича бир судьянинг ўртача ойлик иш ҳажми 129,2 та (жами тамомланган ишлар сони 160538 та)ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 118,2 та (жами тамомланган ишлар сони 258636 та)ни ташкил этган. Шуниси ҳам борки, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 113 та судья ишлаган бўлса, 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, ишлаб турган судьяларнинг сони 199 тани ташкил этган.

Фуқаролик ишлари бўйича судьялар иш ҳажмининг бу даражада кўплиги, бундан ташқари туман судлари тузилмасидаги, уларнинг ҳудудий жойлашувидаги, судьялар сонидаги мавжуд жиддий номутаносибликлар фуқаролик ишларини кўриб чиқиш сифатига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу борадаги камчиликлар умумий юрисдикция судларининг қарорлари ўз вақтида ижро этилмаслигига, ижронинг самараси кўтарилмаётганлигига олиб келмоқдаки, бу одил судловнинг таъсир доирасини пасайтирмоқда, аҳоли томонидан жиддий эътирозлар билдирилишига сабаб бўлмоқда.¹¹ Бундай вазиятда барча давлат органларидан, шу жумладан прокуратура идораларидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясидан тўлиқ фойдаланиш тақозо этилади. Зеро, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура идораларининг асосий вазифа-

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4570-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 42-сон, 556-модда.

¹¹ Ўша жойда.

лари сифатида белгилаб қўйилган. Қолаверса, юридик адабиётларда ҳам таъкидланганидек, прокуратура бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тезкор, малакали ҳамда бепул ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўра оладиган орган сифатида эътироф этилади.¹²

Маълумки, мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов 2015 йилнинг 23 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузаларида ишлаб чиқиладиган “қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш” лозимлигини таъкидлаган.¹³ Дарҳақиқат, миллий қонунчилик ҳужжатларимизни мукамаллаштириб, самарадорлигини янада оширишда хорижий тажрибани ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, хорижий давлатларнинг фуқаролик ишлари судларда кўрилишида прокурор иштирокига тааллуқли қонунчилик тажрибаси ва бу борадаги илмий тадқиқотларни чуқур ўрганиш қонунчилигимизни бойитиш учун янгидан-янги материалларга эга бўлиш, миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимиз олдида турган айрим муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Шу билан бирга, турли давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигининг ижобий қирралари ва жиҳатларини бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро ўхшашроқ ҳуқуқий институтларни унификация қилиш халқаро ҳуқуқий интеграциянинг жадаллашувига ҳам ҳисса бўлиб қўшилади. Бундан ташқари, қиёсий таҳлиллар хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларини ўрганиш асосида фуқаролик процессуал қонунчилигининг муайян бир йўналиши ёки соҳасида қўлланиладиган самарали усуллар билан ҳам яқиндан танишиш имконини беради.

¹² **Қаранг:** Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Саратов, 2002. – С. 2.

¹³ Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2015. 24 январь.

Бирок бошқа бир илғор давлатнинг қонун ижодкорлиги борасидаги тажрибасини миллий қонунчилигимизга жорий қилиш жараёнида, табиийки, ўша мамлакатнинг бошқарув шакли, ўрганилаётган соҳанинг ҳолати ва вақти, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сабаблари, албатта, эътиборга олиниши керак. Шундай экан, ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия каби давлатларнинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб ўрганиш мамлакатимиз қонун ҳужжатларининг прокурор иштирокига доир нормаларини теран тарзда назардан ўтказиб, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришда, прокурорнинг фуқаролик процессида тутган процессуал ҳолатини янада аниқлаштиришда, келажакда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокига доир замонавий йўналишларни аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Хорижий давлатларда прокуратура институтининг қандай ишлаётганлигидан келиб чиқиб, унинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги ҳуқуқий мақомини тўғри белгилаб олиш учун, аввало, унинг давлат органлари тизимидаги тутган ўрнини аниқлаб олиш даркор. Зотан, прокуратуранинг қайси тизимга мансублиги унинг ваколатлари доирасини белгилаб беради.

Хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, агар прокуратура идоралари Адлия вазирлиги ёки суд тизими таркибига кирган бўлса, ушбу орган жиноят содир этган шахсларни жиноий таъқиб қилиш, судда оммавий айбловни қувватлаш, қамоққа олиш жойларида қонунийликни таъминлаш каби вазифалар билан шуғулланади. Мабодо, прокуратура мамлакат Парламенти ёки Президенти бўйсунадиган алоҳида мустақил тизимга мансуб бўлса, у ҳолда прокуратура органлари юқорида қайд этилган вазифалардан ташқари жамиятда қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлаш устидан умумий назорат функциясини ҳам бажаради.¹⁴

¹⁴ **Қаранг:** Мухаммеджанов Э.Б. Прокуратура в зарубежных странах. Учебник. – Алматы: “Нур-пресс”, 2005. – С. 5.

Юридик адабиётларда прокуратурани унинг давлат органлари тизимида тутган ўрнидан келиб чиқиб, қуйидагича таснифлаш ҳоллари кузатилади:

1) прокуратура адлия вазирлиги тизими таркибига киради (Бельгия, Германия, Дания, Исроил, Голландия, Польша, Руминия, Сурия, АҚШ, Франция, Эстония, Япония ва бошқ.);

2) прокуратура суд ҳокимияти тизими таркибига киради ва суднинг ҳузурида жойлашган суд корпуси (магистратура) таркибига қўшилган бўлади (Озарбайжон, Болгария, Грузия, Испания, Италия, Индонезия, Колумбия, Латвия);

3) прокуратура умуман мавжуд эмас (Буюк Британия, Ҳиндистон);

4) прокуратура алоҳида мустақил тизимга ажратилиб, мамлакат Парламенти ёки Президентига ёхуд ҳар иккаласига ҳисобдор бўлади (Миср, ХХР, КХДР, МДҲга аъзо давлатлар).¹⁵

Юқорида келтирилган таснифлардан кўриниб турибди-ки, дунёда прокуратурани ташкил қилишнинг, фаолиятини ҳам ташкилий, ҳам функционал нуқтаи назардан тартибга солишнинг ягона стандартлари мавжуд эмас. Манбаларда таъкидланишича, бу каби стандартлар ҳатто Европа Иттифоқига аъзо давлатларда ҳам мавжуд эмас экан.¹⁶

Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, у ёки бу давлатнинг прокуратура тизимидан шундоқ-қина нусха кўчиришга шошилмаслик керак. Зеро, хорижий давлатларнинг атоқли ҳуқуқшунос олимлари ҳам, амалиётчилари ҳам у ёки бу ҳуқуқий тизимни намунали деб ҳисобламайдилар, ундан андаза олишни тавсия қилмайдилар ҳам.

Шундай бўлса-да, юридик адабиётларда ва хорижий давлатлар қонунчилиқ тажрибасида прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги иштирокининг қуйидаги икки йўналиши кўпроқ кузатилмоқда: биринчи йўналиш – прокурорнинг ҳуқуқларини чеклашда, иккинчиси эса – унинг ҳуқуқни ҳимоя қи-

¹⁵ **Қаранг:** Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1–2. Отв. ред. Б.А. Страшун. – М.: Изд-во БЕК, 1995. – С. 647; Российский прокурорский надзор. – М., 2001. – С. 136–170.

¹⁶ **Қаранг:** Журсимбаев С.К. Прокурорский надзор в Казахстане. Алматы, 2003. – С. 36–37.

лиш борасидаги ваколатлари ва функцияларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда ўз мужассамини топади.¹⁷

Шунга мувофиқ ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳам прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги иштирокининг долзарблиги борасида турлича фикр-мулоҳазалар илгари сури-лаётир. Масалан, атоқли ҳуқуқшунос олимларимиздан бири Ш.Ш. Шораҳметов ўз дарслигида “ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун қонун устуворлигини таъминлашда қонунларни аниқ ва оғишмай бажариш, фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифаларни амалга оширишда прокуратура идораларининг роли катта” эканлигини алоҳида қайд этган.¹⁸ Хорижлик қатор мутахассислар ҳам ўз асарларида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки учун объектив зарурат мавжудлигини баён этадилар.¹⁹

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, юридик адабиётларда фуқаролик процессида прокурор иштирокини чеклаш ёки тўли-гича чиқариб ташлаш ҳақида фикрлар ҳам учрайди.²⁰

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этаётган бир пайтда фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган прокурорларнинг фуқаролик ишларини судда қўриш ва ҳал этиш жараёнидаги иштироки алоҳида эътибор талаб этади. Шунинг учун ҳам фуқаролик процессида прокурорнинг иштирокига йўл қўйилиши керак, балки ушбу процессда прокурорнинг иштирокига юқорида баён этилган объектив заруратлар ҳам

¹⁷ **Қаранг:** Власов А. Не ограничивать права прокурора в гражданском процессе // Законность. 2000. № 8. – С. 41.

¹⁸ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Адолат. 2001. 73-б.

¹⁹ **Қаранг:** Тараненко В. Участие прокурора в гражданском судопроизводстве не только допустимо, но и необходимо // Прокурорская и судебная практика. М. 1999. № 1–2. – С. 131–136.

²⁰ **Қаранг:** Похмелькин В. Участие прокуратуры в рассмотрении гражданских дел – юридический атавизм // Российская юстиция, 2001. № 5. – С. 6.

мавжуд. Қолаверса, юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, жамиятда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига юридик ёрдам кўрсатиш борасида адвокатлар хизматидан фойдаланиш имконияти муайян маънода чекланган²¹ бир пайтда ушбу аҳоли қатламининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурорнинг ваколатлари чекланиши мақсадга мувофиқ эмас. Айниқса, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида фуқаролик ишлари бўйича адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган бир вақтда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб прокуратура идораларига мурожаат қилишлари турган гап.

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг зарурати билан боғлиқ масалани ҳал этиш кўпроқ фуқаролик процессида прокурорнинг суд ва ишда иштирок этувчи шахслар билан ўзаро муносабатининг хусусиятига, шунингдек прокуратура идораларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари мазмунига боғлиқ бўлади.

Судларда фуқаролик ишларини кўришда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилар эканмиз, ушбу асослар моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий асосларга ажралиши аён бўлади. Масалан, прокурор иштирокининг процессуал-ҳуқуқий асосларига мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 5-моддасида суд фуқаролик ишини прокурорнинг аризаси бўйича қўзғатиши мумкинлиги белгилаб қўйилганлигини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, мазкур Кодекснинг 46-моддасида прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилиш, шунингдек бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда прокурор процесснинг бошидан бошлаб иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ўз аксини топган. Қолаверса, мазкур Кодекснинг 272-моддасига кўра, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўришда,

²¹ **Қаранг:** Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Саратов, 2002. – С. 3.

277-моддасига кўра, прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризасининг кўриб чиқишида прокурор иштироки белгиланган. Ушбу Кодекснинг 285⁵-моддасига кўра, суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек прокурор, албатта, иштирок этган ҳолда кўриб чиқиши назарда тутилади. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар (288-модда), фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар (294-модда), шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризалар (297²-модда), шунингдек сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар (297⁶-модда) прокурор иштирокида кўрилиши ҳам мазкур Кодексда мустаҳкамлаб кўйилган.²²

Прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг моддий-ҳуқуқий асослари мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 26-моддасида фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этиши ва судда қувватлаши назарда тутилган.²³ Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилиши белгилаб кўйилган. Мазкур Кодекснинг 268-моддасига кўра, прокурор ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакил-

²² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Т.: Адолат. 2016 й.

²³ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 168-модда.

лик органи, меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори ҳамда иш берувчи билан бир қаторда меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.²⁴ Оила кодексининг 51–54-моддаларига кўра, прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат қилишга ҳақли. Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни прокурор талаб қилишга ҳақли, суд бу хусусдаги ишни прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурорнинг даъвосига биноан ҳам кўрилади. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги бошқа шахсларнинг даъвосига асосан қўзғатилган ишлар ҳам прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқилади (Оила кодексининг 80-моддаси).²⁵

Кўриб турганимиздек, прокурорнинг иштироки шарт деб топилган фуқаролик ишлари ушбу тоифадаги ишларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва келажак авлоднинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан чамбарчас боғланган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида ҳам қўйидаги фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийлиги белгилаб қўйилган:

- суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
- прокурорнинг аризаси бўйича қўзғатилган ишларда;
- сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларда;
- фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларда;

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. “Адолат”, 2016.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. “Адолат”, 2016.

– фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларда;

– фарзандликка олиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларда;

– ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишларда;

– шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишларда;

– сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишларда;

– фуқароларни ишга тиклаш тўғрисидаги ишларда;

– мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги ишларда;

– фуқароларни бошқа турар жой бермасдан яшаш жойидан кўчириш тўғрисидаги ишларда;

– қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, сув фонди ва захира ерларини ноқонуний равишда эгаллаб олиш билан боғлиқ ишларда.

Шунингдек, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳамда Олий суднинг барча инстанцияларида кўрилаётган ишларда прокурор иштироки қатъий таъминланиши ушбу буйруқда ўз ифодасини топган.

Прокурорнинг ишда иштирок этиш асослари бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларникидан ажралиб туради. Хусусан, бу каби давлат бошқаруви органлари бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилар экан, фақатгина қонунда кўрсатилган ҳоллардагина, судда даъво қўзғата оладилар. Прокурор эса, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари процессга қонунда кўрсатилган ҳолларда ўз ваколатлари доирасида иш юзасидан хулоса бериш мақсадида жалб қилиниши ёки суд ташаббуси билан киришлари мумкин. Прокурор эса, бошқа шахслар ташаб-

буси билан кўзғатилган ишни кўришда ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этиш мақсадида бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга (ФПКнинг 46-моддаси).

МДХга аъзо давлатлар қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, прокурорнинг ишда иштирок этиш асослари прокуратура фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Масалан, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 27-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳимоя қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган тақдирда, жабрланувчи соғлиғи, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қила олмаса ёхуд арбитраж судида бир гуруҳ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ёки бузилса бошқа ҳолатларга кўра ушбу бузилиш алоҳида ижтимоий аҳамият касб этадиган бўлса, прокурор судда ёки арбитраж судида жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, даъво тақдим этади ва уни қувватлайди. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 35-моддасида белгиланишича, прокурор Россия Федерацияси процессуал қонунчилигига асосан, башарти фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамда жамият ёки давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этилса, судга ариза билан мурожаат қилишга ёки процесснинг ҳар қандай босқичида ишга киришишга ҳақли.²⁶

Беларусь Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 45-моддасида белгиланишича, юқори турувчи прокурорнинг ёзма топшириғи бўлганда қуйи турувчи прокурор Беларусь Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, вилоятлар ва Минск шаҳар суди биринчи инстанцияси, Беларусь ҳарбий суди, вилоят ва Минск шаҳар хўжалик судлари, махсус хўжалик судлари томонидан фуқаролик, тадбиркорлик ёки хўжалик (иктисодий) фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни кўришда иштирок этади.²⁷

²⁶ **Қаранг:** Федеральный закон от 17.01.1992 N 2202-1 (ред. от 28.11.2015) “О прокуратуре Российской Федерации”. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/

²⁷ **Қаранг:** Закон Республики Беларусь “О прокуратуре Республики Беларусь” от 8 мая 2007 г. № 220-З. <http://www.pravo.by/main.aspx?guid=3871&p0=h10700220&p2={NRPA}>

Арманистоннинг қонун ҳужжатларига хос жиҳат шуки, прокурор фуқаролик процессида асосан давлат манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этади. Масалан, Арманистоннинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 27-моддасига кўра, давлатнинг мулкӣ манфаатлари бузилгудек бўлса, прокурор ёки унинг талаби билан тегишли ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахс судга даъво тақдим этади. Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида даъво тақдим этгунга қадар прокурор тегишли органни ва тегишли шахсларни бу ҳақда даъво тақдим этиши юзасидан огоҳлантириш ва етказилган зарарни қоплаш тўғрисида белгиланган тартибда талабнома тақдим этиш ҳуқуқига эга. Мазкур Қонуннинг 35-моддасида кўрсатилишича, прокурор ўз ваколатлари доирасида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судга давлат божи тўламасдан даъво кўзғатиши мумкин.²⁸

Қозоғистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳам прокурорнинг фуқаролик процессида асосан давлат манфаатларини ҳимоя қилиб иштирок этиши назарда тутилган. Масалан, Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, унга кўра, Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлигини таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор давлат номидан амалга оширадиган асосий йўналишлари сифатида судда давлат манфаатларини ифодалаши ўз аксини топган.²⁹

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг “Процесс иштирокчилари” деб номланган 5-бобида фуқаролик процесси иштирокчилари қуйидаги йўсинда икки гуруҳга ажратилган:

- ишда иштирок этувчи шахслар;
- одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар.

Мазкур Кодекснинг 33-моддасига кўра, прокурор ишда иштирок этувчи шахслардан деб тан олинади. Прокурорнинг ишда иштирок этувчи шахслар гуруҳига киритилганлигининг асосий сабабларидан бири ушбу гуруҳга мансуб шахсларнинг иш якунидан процессуал маънода манфаатдорлигидир.

²⁸ **Қаранг:** Закон Республики Армения “О прокуратуре”. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1453&lang=rus>

²⁹ **Қаранг:** Закон Республики Казахстан “О Прокуратуре от 21 декабря 1995 года № 2709 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 04.07.2014 г.) <http://prokuror.gov.kz/rus/o-prokurature/normativnye-pravovye-akty/zakon-o-prokurature>

Шу ўринда фуқаролик ишининг якунидан моддий ва процессуал манфаатдорлик тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиз. Моддий манфаатдорлик деганда, судда кўрилаётган фуқаролик иши натижаси ўзининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахсга бевосита таъсир қилиши тушунилади. Процессуал манфаатдорлик деганда эса, судда кўрилаётган фуқаролик иши давлат бошқаруви органларининг вазифасига тааллуқли бўлганлиги сабабли, фуқаролик ишининг натижасидан процессуал манфаатдор ҳисобланадилар, яъни иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори уларнинг ҳуқуқларига бевосита таъсир ўтказмаса-да, бироқ улар иш бўйича асосли, адолатли ва қонуний қарор чиқарилиши тарафдори бўладилар.

Юридик адабиётларда ҳам давлат ва шахс аҳамиятига молик манфаатларни прокурор, давлат бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ва бошқа тегишли органлар процессуал манфаатдор шахслар сифатида ҳимоя қилиши ҳақида сўз юритилади.³⁰

Бундай адабиётларда фуқаролик процессида иштирок этувчи шахсларни ишнинг якунидан манфаатдор бўлишига қараб, гуруҳларга ажратиш лозим эканлиги айтилган. Хусусан, Ш.Ш. Шораҳметов, Н.М. Кострова, М.С. Шакарянларнинг таъкидлашича, фуқаролик процессида иштирок этувчи шахсларнинг биринчи гуруҳига ўзининг субъектив ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар, яъни тарафлар ва учинчи шахслар киритилади. Иккинчи гуруҳга процессда бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар, яъни шу мақсадда судга мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор ва давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар киритилади.³¹

³⁰ **Қаранг:** Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. 2-е изд., пер и доп / С.А. Алехина, А.Т. Боннер, В.В. Блажеев и др. / Отв ред. М.С.Шакарян. – М.: Проспект, 2007. – С. 98.

³¹ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: (Дарслик). – Тошкент: Адолат. 2001. – Б. 49–50.; **Қаранг:** Кострова Н.М. Проблемы гражданского судопроизводства: Учебное пособие. – Махачкала: ИПЦ ДГУ, 2002. – С. 44; **Қаранг:** Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А. Алехина, В.В. Блажеев и др.; Под. ред. М.С. Шакарян. – М.: ТК. Вебли. Изд-во Проспект, 2004. – С. 46.

Дархақиқат, адабиётларда тўғри таъкидланганидек, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари доираси уларнинг процессда иштирок этиш мақсад ва вазифалари билан белгиланади.³² Шундай экан, ишда иштирок этувчи шахслар ишнинг якунидан манфаатдор бўлиши, мақсад ва вазифалари нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратилиши ва бу масала процессуал қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада хорижий давлатлар қонунчилигида, масалан, Беларусь Фуқаролик процессуал кодексида ишда иштирок этувчи шахслар ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахслар, ишнинг ҳал этилишидан давлат, жамоат нуқтаи назаридан ва бошқа йўсинда манфаатдор бўлган шахслар ҳамда ишнинг ҳал этилишидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлмаган шахсларга ажратилганлигини кўриш мумкин. Унга кўра, ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларга тарафлар, учинчи шахслар, аризачилар, хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят берилган давлат органлари, юридик шахслар ва бошқа органлар, мансабдор шахслар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича манфаатдор фуқаролар ва юридик шахслар киритилган. Ишнинг ҳал этилишидан давлат, жамоат нуқтаи назаридан ва бошқа йўсинда манфаатдор бўлган шахсларга прокурор, давлат бошқарув органлари, юридик шахслар ва фуқаролар, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органлари киритилган. Ишнинг ҳал этилишидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлмаган шахсларга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолислар, рўйхатга олинган низоли мулкни сақловчилар киритилган (54-модда).³³

Бинобарин, ишда иштирок этувчи шахсларни гуруҳларга ажратиш уларнинг, хусусан, прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асосларини ҳамда процессда тутган ҳуқуқий мақомини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу эса, чиқариладиган суд ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Шундай экан, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 33-моддасида

³² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: (Дарслик). – Тошкент: Адолат. 2001. – 49-б.

³³ **Қаранг:** Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

фуқаролик ишининг ҳал этилишидан давлат, жамоат нуқтаи назаридан ва бошқа йўсинда манфаатдор шахслар рўйхатини бериш ва ушбу гуруҳга прокурор, давлат бошқарув органлари, юридик шахслар ва фуқаролар, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органлари ва бошқа органларни киритиш таклиф қилинади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик ишларида прокурорнинг иштирок этиши борасидаги нормалар мамлакатимиз қонун ҳужжатларида назарда тутилган ушбу тоифадаги ишларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва келажак авлоднинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан белгиланади. Шунингдек, прокурор қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилмаган бўлса-да, бошқа тоифадаги фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида иштирок этиши мазкур ишларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ва жойлардаги қонунийликнинг аҳволидан келиб чиқиши лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг юқорида зикр этилган буйруғида ҳам прокурор бошқа тоифадаги ишларнинг кўрилишида уларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ҳамда ҳудуддаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиб иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

1.2. Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг шакллари

Мамлакатимизда прокуратура Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлатнинг мустақил органи ҳисобланади.

Судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни 4-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик суд ишларининг юритилишида прокурорнинг ваколатлари:

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустақкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоатнинг, хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга;

қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғида белгиланган ҳолларда барча суд инстанцияларида прокурор ваколатини самарали таъминлашга;

прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар юзасидан суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатида ўрганиб, ноқонуний суд қарорларини шу босқичда қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўришга;

қонуний кучга кирган суд қарорларининг қонунийлигини аризаларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этишга йўналтирилади.

Прокурорнинг судларда фуқаролик ишларини кўришдаги иштироки Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 46-моддасида ҳам мустақкамланган бўлиб, унга кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Бундан келиб чиқадики, фуқаролик ишларининг биринчи инстанция судида кўрилишида прокурор қуйидаги икки шаклда иштирок этади:

1) бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш;

2) бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда ишнинг моҳияти бўйича фикр бериш мақсадида иштирок этиш (ФПКнинг 46, 47-моддалари).³⁴

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Тошкент, Адолат. 2016 й.

Юридик адабиётларда (В.М. Жуйкова) биринчи инстанция судларида прокурор иштирокининг учинчи шакли, яъни номуайян шахслар доирасига дахлдор масалалар бўйича ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш шакли ҳам борлиги айтилади.³⁵ Фикримизча, ушбу нуқтаи назар билан келишиш қийин. Чунки, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддаси ва янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида прокурорнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш функцияси белгиланган. Ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишларни қўзғатишда юқоридаги нормалар асос вазифасини бажаради. Шундай экан, ушбу ҳолатда прокурор фуқаролик процессида иштирок этишнинг биринчи шакли, яъни бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш шаклида иштирок этади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, чет давлатларнинг ўрگانилган аксарият фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида прокурорнинг фуқаролик ишлари биринчи инстанция судида кўрилишида иштирок этишининг икки шакли белгилаб қўйилган. Масалан, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 55-моддасида ҳам прокурорнинг биринчи инстанция судида иштирок этишининг қуйидаги икки шакли баён этилади:

- прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, ташкилотлар, жамият ва давлат манфаатлари ҳимояси юзасидан судга даъво, ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Номуайян шахслар доирасининг меҳнат, уй-жой ва бошқа ижтимоий соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек муомалага лаёқатсиз фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган даъволар прокурор томонидан, манфаатдор шахснинг илтимоси ва аризасидан қатъи назар, берилиши мумкин;

³⁵ Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дис. соис. учен. степ. канд. юрид. наук. – Саратов, 2002. – С. 16.

- прокурор зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш мақсадида процесда ўз ташаббуси билан ёки суднинг ташаббусига кўра фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек ташкилотлар, жамият ва давлат манфаатлари юзасидан хулоса бериш учун иштирок этади.

Прокурорнинг мазкур ваколатлари суд томонидан кўришга тайинланган иш ҳақида хабардор қилиш орқали таъминланади.³⁶

Суд фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 5-моддасига мувофиқ прокурорнинг аризаси бўйича ҳам қўзғатади.

Адабиётларда қайд этилишича, фуқаролик ишларини судда қўзғатиш қуйидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида рўй беради:

- манфаатдор шахсларнинг судга мурожаат қилиши;
- берилган аризанинг суд томонидан қабул қилиниши.³⁷

Прокурор томонидан судга тақдим этилаётган даъво аризалари ва аризалар Ўзбекистон Республикасининг ФПКда назарда тутилган талабларга жавоб бериши лозим. Хусусан, ФПКнинг 148-моддасига кўра, судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда ариза бериш йўли билан қўзғатилиши белгилаб қўйилган бўлиб, процессуал қонунчилик фуқаролик ишини бошқа шаклда, айтиқлик, оғзаки мурожаат йўли билан қўзғатилишини назарда тутмайди.

Мазкур Кодекснинг 149-моддасида аризанинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, аризада ариза берилаётган суднинг номи, ундан кейин даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) аниқ кўрсатилади. Сўнгра жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги кўрсатилиши лозим.

³⁶ **Қаранг:** Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, 13 июля 1999 года. № 411-І. www.consultant.ru

³⁷ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О. Оқюлов. – Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2010. – 415-б.

Аризада даъвогарнинг талаби, бошқача қилиб айтганда, даъвогарнинг ҳуқуқлари ва манфаатларининг жавобгар томондан бузилган ҳоллари аниқ қилиб кўрсатилган бўлиши керак. Судга берилган даъвонинг мазмуни жавобгарнинг айрим ҳаракатларини тўхтатиш, ҳуқуқий алоқаларни ўзгартириши ёки ҳуқуқ ва эркинликни тан олиш тўғрисида бўлиши мумкин. Даъво аризасида, жоиз бўлса, даъвонинг баҳоси ҳам кўрсатилиши керак. Даъвонинг баҳоси Фуқаролик процессуал кодексининг 105-моддасига биноан аниқланади. Даъвонинг баҳоси даъвогар томондан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо даъво қилинаётган мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди. Агарда даъво айнан пул билан боғлиқ бўлса, ундирилиши керак бўлган пул суммаси аниқ қилиб кўрсатилади.

Прокурор томондан тақдим этилаётган даъво аризасида, шунингдек, даъвогар талабларига асос қилиб кўрсатилаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар, ушбу аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати ҳам бўлиши керак.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томондан бериладиган аризаларда, юқорида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), манзили кўрсатилиши каби талабларни ҳам назарда тутати (ФПКнинг 149-моддаси учинчи қисми).

Судга ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилади. Судья ишнинг мураккаблиги ва хусусиятига қараб, даъвогарни аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этишга мажбур қилиши мумкин (ФПКнинг 150-моддаси).

Судья прокурор томондан тақдим этилган ариза Фуқаролик процессуал кодексининг 149 ва 150-моддаларида баён этилган талабларга риоя қилинмай берилганлигини аниқласа, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан прокурорни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 19-сонли қарориди тушунтириш берилишича, бериладиган муҳлат чегараси ҳар бир муайян ҳолатда аризадаги камчиликлар хусусияти ва уларни бартараф этишнинг реал имкониятларини инобатга олган ҳолда белгиланади.³⁸

Таъкидлаш керакки, аризани ҳаракатсиз қолдириш учун асос бўладиган ҳолатлар рўйхати тугал ҳисобланади ва уни кенгайтириб шарҳлаш, аризининг қонунда кўрсатилмаган асослар бўйича ҳаракатсиз қолдирилишига йўл қўйилмайди.

Прокурор судга даъво аризаси билан мурожаат қилишдан ташқари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳам ҳақлидир (ФПКнинг 276-моддаси). Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 38-моддасида белгиланишича, қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан прокурор протести шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилган, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлади.

Прокурорнинг бу ҳақдаги аризани судга бериши иш судда кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди (ФПКнинг 276-моддаси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддаси).

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида прокурорнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризасининг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар назарда тутилмаган. Унинг мазмуни аризалар хусусида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 149-моддасида назарда тутилган умумий талабларга жавоб бериши керак. Бироқ таҳлиллар прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризасининг маз-

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 19-сонли қарори // “NORMA” ахборот-ҳуқуқий тизими.

мунига нисбатан қўйиладиган талаблар Фуқаролик процессуал кодексида алоҳида моддада ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатади. Зеро, Фуқаролик процессуал кодексида даъво аризаларидан алоҳида судга тақдим этиладиган аризаларнинг мазмунига нисбатан қўйилган талаблар ўз ифодасини топган моддалар ҳам мавжуд. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризалар мазмунига бағишланган 284-моддаси, фарзандликка олиш тўғрисидаги аризалар мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларга бағишланган 285²-моддаси, фуқарони беда-рак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза мазмунига бағишланган 286-моддаси, фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги аризанинг мазмунига бағишланган 292-моддаси шулар жумласидандир.

Хорижий давлатларнинг бу борада ўрганилган қонунчилик тажрибаси ҳам бу хилдаги аризаларнинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар алоҳида моддаларда баён этилганлигини кўрсатади. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 251-моддасига кўра, норматив ҳуқуқий ҳужжат юзасидан низолашув тўғрисидаги аризада даъво аризаларига нисбатан қўйиладиган талаблардан ташқари низолашилаётган ҳужжатни қабул қилган давлат бошқарув органи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи ёки мансабдор шахсларнинг номланиши, ҳужжатнинг номланиши ва ҳужжат қабул қилинган сана; ушбу ҳужжат билан фуқароларнинг ёки номуайян доирадаги шахсларнинг айнан қайси ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги кўрсатилиши керак. Бу ҳақдаги аризага низолашилаётган ҳужжатнинг нусхаси, агар ушбу ҳужжат чоп этилган бўлса, қайси оммавий ахборот воситасида ва қачон чоп этилганлигига доир маълумотлар илова қилиниши керак.³⁹

Юқоридагилардан келиб чиқиб, прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида қўйидаги мазмундаги алоҳида моддада ифодалаш таклиф қилинади:

³⁹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации // 14 ноября 2002 года № 138-ФЗ. // www.consultant.ru

“276¹-модда. Прокурор аризасининг мазмуни

Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топши ҳақидаги аризасида мазкур Кодекснинг 149-моддасида кўрсатилган талаблардан ташқари гайриқонуний деб топилши сўралаётган ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган давлат бошқарув органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариши органининг ёки мансабдор шахсларнинг номи, ҳуқуқий ҳужжатнинг номланиши ва ҳужжат қабул қилинган сана; ушбу ҳужжат билан фуқароларнинг ёки бошқа шахсларнинг айнан қайси ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги кўрсатилши керак. Ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топши ҳақидаги аризага гайриқонуний деб топилши сўралаётган ҳужжатнинг нусхаси, агар ушбу ҳужжат чоп этилган бўлса, қайси оммавий ахборот воситасида ва қачон чоп этилганлигига оид маълумотлар илова қилиниши керак.”

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида прокурорларга фуқаролик ишини қўзғатиш мақсадида судга ариза билан мурожаат этиш борасида чекловлар назарда тутилмаган. Бироқ хорижий давлатлар қонун ҳужжатларининг ривожланиш йўналишлари, миллий қонунчилик амалиёти ҳамда юридик адабиётларда олимлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар таҳлили шундан далолат берадики, прокурорнинг фуқаролик процессидаги ўрни ва процессуал ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаб қўйиш тақозо этилмоқда. Айниқса, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор томонидан судга мурожаат қилиш жараёнида кўплаб баҳс-мунозарали ҳолатлар учрайди. Хусусан, айрим олимларнинг фикрича, прокурорнинг судда фуқаролик ишларини қўзғатиш борасидаги ваколатларининг доираси белгиланмаганлиги судда ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш ҳолатлари кўпайишига, суд процессларида тарафлар фойдаланадиган эркин ҳуқуқ принциплари у ёки бу даражада чекланишига олиб келиши мумкин.⁴⁰ Ҳуқуқшунос олимлардан бири

⁴⁰ Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф. Ш.Ш. Шорахметов таҳрири остида. – Т.: АҚҲМИ. – 2008. – 16-б.

Б.В. Кравцов ҳам прокурорнинг фуқаролик ишларини кўзга-тишга қаратилган ишларини яхши йўлга қўйиш, унинг фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтиришни таъминлаш учун прокурорнинг судда қандай тоифадаги ишларни кўзга-тишга ваколатли бўлиши ҳақидаги қондани қонун ҳужжатларига киритиш ҳақида ўз фикрини илгари сурган.⁴¹ Аммо баъзи олимлар юқоридаги фикрлардан фарқли равишда прокурор ҳар доим фуқаролик ишини кўзга-тиш ҳуқуқига эга бўлишини ва бу прокурор ваколатининг ажралмас элементи эканлигини таъкид-лайди.⁴² А.Ю. Рожков ўз асаарида фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида прокурорнинг роли ва процессуал ҳуқуқий ҳолати етарлича аниқ белгилаб берилмаганлигини, ушбу муаммонинг ҳал этилиши эса, назарий аҳамият касб этишдан ташқари фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий табиатини тўғри тушунишга, унинг процесс бошқа иштирокчилари билан бўладиган ўзаро муносабатлари хусусиятини ҳамда процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мазмунини аниқлашга хизмат қилишини баён этади.⁴³

Прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судда иштирок этиш йўналишини континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар қонунчилигида кўплаб учра-тиш мумкин. Ушбу давлатлар қонунчилигида белгиланишича, прокурор оммавий манфаатларни, яъни “давлат, жамият ман-фаатлари, шунингдек алоҳида ижтимоий тоифадаги шахслар ман-фаатини”⁴⁴ ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларида иш-тирок этади.

Аксарият Европа давлатларининг фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдан четлатишга қаратилган йўналиш ривожлантирилмоқ-да. Фарбий Европадаги кўпчилик давлатларда ва АҚШда проку-

⁴¹ **Қаранг:** Кравцов Б.В. Предъявление прокурорами исков – важная форма защиты прав и интересов граждан // Сов. государство и право, 1966. № 1. – С. 67–68.

⁴² **Қаранг:** Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. – М.: МГУ, 1991. – С. 91.

⁴³ **Қаранг:** Рожков А.Ю. Необходимость и целесообразность участия прокурора в гражданском и арбитражном процессе // Вестник Воронежского института МВД России, № 2, 2014. – С. 58.

⁴⁴ **Қаранг:** Здрок О.Н. Гражданский процесс зарубежных стран: Учеб. Пособие. – М., 2005. – С. 108.

рорлар оммавий ва давлат манфаатларини, Франция ва Италияда эса бошқа шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадидагина судга даъво тақдим эта олади.

Кейинги йилларда континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар қонунчилигида прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги функциясини қисқартириш ҳоллари кузатилмоқда. Масалан, Германияда айрим тоифадаги фуқаролик ишларидагина прокурор иштирокига йўл қўйилади.⁴⁵ 1998 йилнинг 1 июлидан эътиборан Германияда прокуратура судларда оилавий ишларнинг кўрилишида иштирок этмаяпти.

Хорижий давлатлар умумий ҳуқуқ тизимида прокуратура қонунийликни ёки одил судловни амалга ошириш жараёнида адолатлилик таъминланишини кафолатловчи орган сифатида расман тан олинмайди. Прокурорнинг фуқаролик процессидаги функцияси оммавий манфаатларни ҳимоя қилувчи вакиллик органларининг функцияси билан ўзаро мос келади. Мазкур тизимда фуқаролик ишлари судда кўрилишида прокурорнинг давлат номидан даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этишини унинг бу тоифадаги ишлардаги иштирокининг шакли сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, АҚШда прокуратура хизмати атторней хизмати деб номланади ва давлат атторней хизматида федерация даражасида Бош атторней – Адлия вазири (U.S. Department of Justice) раҳбарлик қилади.⁴⁶ Унинг асосий вазифаси судларда АҚШ Ҳукуматининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.⁴⁷

Шунингдек, АҚШда атторнейлик хизмати солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жарима ундириш тўғрисидаги ишларнинг судларда кўрилишида даъвогар сифатида иштирок этса, солиқ тўловчиларнинг берган даъвоси бўйича бошланган ишларга эса, жавобгар сифатида жалб этилади.⁴⁸

⁴⁵ **Қаранг:** Давтян А.Г. Гражданское процессуальное право Германии. – М., 2000. – С. 89.

⁴⁶ **Қаранг:** Раевский П.А., Пархоменко С. А. Организация правоохранительной системы в некоторых федеративных странах мира // Информационно-справочные материалы. <https://komitetgi.ru/upload/iblock/538/538b9dcf40eca849375fa5f15da10d26.pdf>

⁴⁷ **Қаранг:** Карпова Е. Модели прокуратуры в зарубежных странах // Закон и жизнь, № 3. 2012. – С. 52. <http://www.legeasiviata.in.ua/archive/2012/3/09.pdf>

⁴⁸ **Қаранг:** Томилов Ю.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве: проблемы определения границ участия. – С. 71.

АҚШда атторнейлик хизмати давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат муассасалари, уларнинг мансабдор шахслари ва ҳатто оддий хизматчилари томонидан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга. Ушбу хизмат давлат манфаатларини, шунингдек жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳам судларда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Хусусан, АҚШ қонун ҳужжатларига кўра атторнейлар судга ҳавони, сувни ва сув сатҳини ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шовқинларни назорат қилиш, хавфли юкларни транспортда ташиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ даъволарни тақдим этиш (ёки махсус муассасалар ёхуд хусусий шахсларнинг бу тўғридаги талабларини қўллаб-қувватлаш) ҳуқуқига эга.⁴⁹

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар қонунчилик тажрибасида ҳам прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштироки доирасини, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий фаолият соҳасида прокурорнинг ваколатларини чеклаш йўналиши кузатилмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддасига кўра, агар фуқаро соғлиғи, ёши, муомалага лаёқатсизлиги ва бошқа узрли сабабларга кўра судга ўзи шахсан мурожаат қила олмасагина, ариза прокурор томонидан тақдим этилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган.⁵⁰ Шу ўринда россиялик айрим ҳуқуқшунос олимлар мазкур қонундан шарҳлаб, фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги прокурор аризасида фуқаронинг ўзи судга мурожаат қила олмаслигини асословчи ҳолатлар мавжуд бўлиши лозимлигига эътибор қаратадилар. Кодексда фуқаронинг судга шахсан ўзи мурожаат қила олмаслигининг узрли сабаблари белгиланган рўйхат мавжуд эмаслиги прокурорнинг даъво аризасини тайёрлаш жараёнида қонуннинг юқоридаги талабларини бажариш мажбуриятидан озод қилмайди. Мазкур ҳолатларнинг узрли ёки узрсиз эканлигини баҳолаш ҳуқуқи судларга берилганлиги боис, прокурор томонидан қонуннинг ушбу талабига риоя қилинма-

⁴⁹ **Қаранг:** Здрок О.Н. Гражданский процесс зарубежных стран: Учеб. Пособие. – М., 2005. – С. 110–111.

⁵⁰ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 №138–ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 2002, № 46, ст. 4532.

ганлиги унинг аризаси суд томонидан ҳаракатсиз қолдирилишига олиб келади деб таъкидланиши ҳам бежиз эмас.⁵¹

Бироқ Россия Федерацияси ФПК ривожланишининг кейинги босқичларида ушбу чекловларга қайси ҳолатларда йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддасига 2009 йилнинг 5 апрелида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан юқоридаги чекловлар фуқаро ўзининг бузилган ёки низолашилаётган меҳнат (хизмат) муносабатлари ва бево-сита унинг ўзи билан боғлиқ муносабатлар соҳасидаги ижтимоий ҳуқуқларини; оилани, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш; ижтимоий ҳимоя, шу жумладан, ижтимоий таъминот, давлат ва муниципал уй-жой фондларида турар-жойга нисбатан бўлган ҳуқуқларни таъминлаш; соғлиқни сақлаш, шу жумладан, тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи; қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқ; таълим олишга бўлган ҳуқуқни таъминлаш мақсадида қилинган муурожаатларга асосланиб прокурор тақдим этган аризага нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди.⁵² Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 55-моддасига ҳам худди шунга ўхшаш норма кейинроқ, аниқроғи, 2009 йил 10 декабрдаги ўзгартиш ва қўшимчалар билан киритилди.⁵³

Россия Федерацияси ФПКнинг “Даъво аризасининг шакли ва мазмуни” деб номланган 131-моддаси учинчи қисмида белгиланишича, прокурор томонидан Россия Федерациясининг, Россия Федерацияси субъектларининг, муниципал тузилмаларининг ёки номуайян шахслар доирасининг манфаатларини ҳимоя қилиб тақдим этилган даъво аризасида уларнинг манфаатлари нималарда намоён бўлиши, албатта, кўрсатилиши, қайси ҳуқуқлар бузилганлиги, шунингдек кимларнинг манфаатлари ҳимоя этилаётган

⁵¹ **Қаранг:** Тихонова Ю.В. К вопросу о процессуальном положении прокурора как участника гражданского процесса // Юридический аналитический журнал. 2003. № 2. – С. 84; Садовщикова А.И. Участие прокурора в гражданском процессе, для защиты прав и интересов других лиц // Право: Теория и Практика. 2003. № 4.; Ярыгин А.Ю. К вопросу о правовых возможностях прокурора в гражданском судопроиз-водстве // Право: Теория и Практика. 2003. № 16.

⁵² “Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации” от 14.11.2002 N 138–ФЗ. Дата сохранения: 06.01.2015 г. www.consultant.ru

⁵³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, Акорда, 31 октября 2015 года. <http://online.zakon.kz>

бўлса, ўшаларнинг манфаатини ҳимоя қилиш воситасини назарда тутувчи қонунга ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳаволалар келтирилиши шарт. Шунингдек, мазкур моддада айтилишича, прокурор томонидан фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат қилинган тақдирда, унинг аризасида ушбу фуқаронинг ўзи томонидан даъво тақдим этишнинг иложи йўқлиги ёки фуқаро прокурорга мурожаат қилганлиги билан асослангирилиши шарт. Акс ҳолда Россия Федерацияси ФПКнинг 136-моддасига кўра, прокурор томонидан тақдим этилган даъво аризаси ҳаракатсиз қолдирилади ва прокурорга бу ҳақда хабар берилади. Ариза ҳаракатсиз қолдирилгач, судья бунга сабаб бўлган камчиликни бартараф этиш учун оқилона муддат тайинлайди. Агар прокурор суд томонидан тайинланган муддат ичида суднинг кўрсатмаларини бажармаса, у ҳолда даъво аризаси судга тақдим этилмаган, деб топилади ва ариза унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда прокурорга қайтарилади.⁵⁴

Хорижий давлатларнинг фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият давлатлар қонунчилигида прокурорга номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи берилган. Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати кўрсатилган бўлса-да, бироқ номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи назарда тутилмаган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз юридик адабиётларида ва миллий қонунчилигимизда “номуайян шахслар доираси”, “номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари” тушунчасини аниқловчи таърифлар ҳам мавжуд эмас.

Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида Ўзбекистон Рес-

⁵⁴ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 № 138–ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 2002, № 46, ст. 4532.

публикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Худди шундай ваколат мазкур Қонуннинг 24-моддасига кўра маҳаллий ҳокимият органларининг истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларида ҳам ўз ифодасини топган.⁵⁵ Бироқ мазкур Қонунда ҳам номуайян шахслар доираси деганда қандай шахслар тушунилишига аниқ таъриф берилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу идоралар томонидан судга даъво тақдим этиш жараёнида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 149-моддасига кўра, судга тақдим этилаётган аризаларда (даъво аризалари ва шикоятларда) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги ва манзилига оид маълумотлар бўлиши талаб этилади. Мазкур модданинг учинчи қисмида баён этилишича, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, 149-моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим. ФПКнинг 154-моддасида кўрсатилишича, судья ариза ушбу талабларга риоя қилинмай берилганлигини аниқласа, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан даъвогарни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Бир сўз билан айтганда, прокурор томонидан номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш механизмлари мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида батафсил тартибга солиниши тақлиф қилинади. Мазкур қонуннинг қонунчиликка киритили-

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221–1-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 5–6-сон, 59-модда.

ши ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашнинг қўшимча кафолати вазифасини бажаради.

Шу ўринда, таъкидлаш керакки, “номуайян шахслар доираси” манфаатларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий конструкция XX асрда Европа процессуал ҳуқуқида кенг тарқалган “гуруҳ даъвоси” номи билан ривожланган эди. Хусусан, Францияда даъвога бўлган мазкур ҳуқуқ 1907 ва 1923 йилларда Кассация суди томонидан тасдиқланган.⁵⁶ Англо-саксон ҳуқуқ тизимида гуруҳ даъвоси бир неча асрлардан буён амал қилиб келади. Унинг юзага келиш тарихи инглизларнинг XVII асрдаги “Тинчлик тўғрисидаги акт”ига бориб тақалади.⁵⁷

1998 йилда Англияда фуқаролик суд ишларини юритиш Тартиби (Civil Procedure Rules) қабул қилинган.⁵⁸ Ана шу норматив ҳужжатнинг биринчи моддасидаёқ қуйидаги қоида белгиланган: “Мазкур Тартиб янги процессуал кодекс ҳисобланиб (New procedural code), унинг асосий мақсади судга ишни адолатли ҳал этиш имконини беришдан иборатдир”. Ушбу Тартибда белгиланишича, ишда тараф сифатида иштирок этаётган ташкилотлар даъвога бўлган ҳуқуққа эга бўлиш билан бир вақтда бу ташкилотларнинг жамоавий ва якка тартибдаги ҳуқуқлар ҳимоячиси сифатида даъвога бўлган ҳуқуқлари ҳам тан олинган. Юридик адабиётлардан маълумки, даъвога бўлган ҳуқуқ олдиндан қонуний тарзда белгилаб қўйилган ва давлат томонидан кафолатланган шахсларнинг (жисмоний ва юридик шахсларнинг) бузилган ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун уларга берилган моддий тусдаги ҳуқуқдир.⁵⁹ Демак, юқоридаги даъвонинг аҳамиятли жиҳатлари шундан иборатки, уларнинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида оммавий-ҳуқуқий манфаатларни ҳам, кўп сонли шахслар гуруҳининг хусусий манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш имконияти яратилади.⁶⁰ Мазкур

⁵⁶ Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран. – М., 2004. – С. 480–482.

⁵⁷ Колесов П.П. Групповые иски в США. – М.: ООО “Городец-издат”, 2004. – С. 8.

⁵⁸ The Civil Procedure Rules 1998. http://www.justice.gov.uk/civil/procrules_fin/menus/rules.htm.

⁵⁹ Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореферати. – Тошкент: 2007. – 20-б.

⁶⁰ Колесов П.П. Групповые иски в США. – М., 2004. – С. 9.

даъво бўйича бир ёки бир неча шахслар бутун бир гуруҳларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин ва ўзининг процессуал моҳиятига кўра, бундай даъво биргаликда иштирок этувчилар ва вакилликнинг элементларидан ташкил топган мураккаб бирикмаларни ҳосил қилади.

Бизнинг фикримизча, даъвонинг ушбу тури бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси институти бойитади ва унга турфа хиллик касб этади. Бироқ гуруҳ даъволари борасида ҳам юридик адабиётларда турли баҳс-мунозаралар учрайди. Хусусан, Х. Шакнинг фикрича, гуруҳ даъволари ҳуқуқ эгаларининг ўз-ўзини мустақил идора қилиш ҳуқуқини бузиши ва “юридик дунё”нинг барқарорлигига раҳна солиши мумкин.⁶¹ Шунингдек, Э. Эгамбердиев ўз асарида гуруҳлар манфаатини ёки бир гуруҳ шахслар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ҳосила ёки норматив даъволар хусусида тўхталиб, суд ҳар қандай даъволи ишда бузилган ҳуқуқ ёки қонуний манфаат бир шахсга тегишли бўладими ёки бир гуруҳ шахсларга тегишли бўладими, бундан қатъи назар, шахсларнинг бузилган субъектив ҳуқуқларини ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини процессуал иштирокчилик асосида ҳимоя қилиши нуқтаи назаридан бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича даъволарни ҳосила ва корпоратив турларга бўлишлари ҳеч қандай асосга эга эмас, деган фикрни билдиради.⁶² Олимлардан бири Б.А. Журбин мазмун-моҳиятига кўра, гуруҳ даъвосининг процессуал иштирокчиликдан фарқи борлигини, яъни гуруҳнинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилиш “даъво билан мурожаат қилувчи” шахс томонидан амалга оширилишини, даъвогар тарафнинг процессдаги фаоллиги “даъво билан мурожаат қилувчи” шахс томонидан содир қилинишини баён этади.⁶³

⁶¹ **Қаранг:** Шак Х. Ведение процесса в защиту чужих прав // Известия вузов: Правоведение. 2006. № 1. – С. 42–58.

⁶² Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юрид. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2007. – 18-б.

⁶³ **Қаранг:** Журбин Б.А. Процессуальные особенности рассмотрения судами дел по групповым и производным искам. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Саратов, 2009 г. – С. 9.

Шу ўринда ташкилотларнинг жамият ҳаётидаги иштироки йўналишига оид тадқиқот ишлари билан шуғулланган муаллифлар, аксинча, замонавий ташкилотлар янги демократиянинг бир кўриниши сифатида жамоавий манфаатларнинг ҳамда якка тартибдаги шахс манфаатларининг ҳимоячисидек муҳим ролни ўз кўлига олиши ҳақидаги фикрни илгари сурадилар.⁶⁴

Шундай экан, бизнинг назаримизда, прокурор томонидан номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш тартиботларининг қонунчиликка киритилиши айни бир вақтда давлатга ҳам, жамиятга ҳам бирдек керакли бўлиб, хусусий тусдаги манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бундай даъволарни кўриб чиқиш учун қабул қилган судлар бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини ҳал этиб, ўз навбатида, талайгина процессуал чиқимларнинг олдини олади. Бу каби даъволарни судда кўриш ва ҳал этиш жараёнида судлар аниқ бир субъектларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш масаласини ҳам ҳал этиши мумкин.

Прокурорнинг фуқаролик процессида даъво тақдим этиш ваколатини аниқлаштиришга қаратилган нормалар Қозоғистон Республикаси ФПКда ҳам назарда тутилган. Хусусан, ушбу Кодекснинг “Даъво аризасининг шакли ва мазмуни” деб номланган 150-моддаси тўртинчи қисмига кўра, давлат ва жамият манфаатлари юзасидан тақдим этилган прокурор аризасида давлат ва жамият манфаатлари нималардан иборат эканлиги, қайси ҳуқуқлар бузилганлиги, шунингдек қайси қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинаётганлиги асослари кўрсатилиши шарт. Прокурорнинг фуқаро манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган аризасида фуқаронинг ўзи томонидан даъво тақдим этиш имконияти йўқлигининг сабабини тасдиқловчи асос бўлиши, аризага фуқаронинг судга даъво билан мурожаат қилинишига розилигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши шарт, бундан муомалага лаёқатсиз шахс манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган аризалар мустасно.⁶⁵

⁶⁴ Қаранг: Хабриева Т.Я., Чиркин В.Е. Теория современной конституции. – М., 2005. – С. 176–177.

⁶⁵ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, 13 июля 1999 года № 411–I. www.consultant.ru

Фуқаролик процессида прокурор иштироки билан боғлиқ нормалар Беларусь Республикаси ФПКда ҳам назарда тутилган. Таҳлиллар мазкур давлат қонунчилигида прокурорнинг фуқаролик процессидаги ваколатлари бирмунча кенгроқ берилганлигини кўрсатади. Масалан, Беларусь Республикаси ФПКнинг 23-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги ва асослантирилганлиги юзасидан, шунингдек қонунчиликка риоя қилиниши ва унинг ижро этилиши устидан назорат Беларусь Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади. Прокурор фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичида қонуннинг ҳар қандай бузилишига нисбатан, у ким томонидан йўл қўйилганлигидан қатъи назар, уни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган қонунда назарда тутилган чораларни кўришга мажбур. Прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда ўз ваколатларини ҳар қандай идора ва мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонун ҳужжатларига ва Беларусь Республикаси Бош прокурорининг кўрсатмаларига бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Беларусь Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, прокурор судга тааллуқли бўлган ишлар юзасидан, агар Беларусь Республикасининг, унинг маъмурий-ҳудудий бирлигининг, шунингдек юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса, судга фуқаролик ишини қўзғатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Прокурор, агар давлат манфаатларини, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этса, ишнинг ҳар қандай босқичида иштирок этиши мумкин. Беларусь Республикаси Президентининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ариза судга Беларусь Республикаси Бош прокурори, вилоятлар прокурорлари, Минск шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорлар томонидан Беларусь Республикаси Президентининг розилиги билан тақдим этилади (Беларусь Республикаси ФПКнинг 81-моддаси).

Беларусь қонун ҳужжатларидаги эътиборли жиҳатлардан бири шуки, давлат манфаатлари юзасидан прокурор томонидан

қўзғатилган ишларда Беларусь Республикаси ёки унинг маъмурий-худудий бирлиги даъвогар сифатида иштирок этади. Фуқаро ёки юридик шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор томонидан судга ариза берилганида ушбу фуқаро ёки юридик шахс даъвогар (аризачи) ҳисобланади. Прокурор аризани судга бергунига қадар мазкур шахсларга даъво аризасининг нусхасини, зарур ҳолларда эса, унга илова қилинаётган ҳужжатлар нусхасини юбориши шарт (Беларусь Республикаси ФПКнинг 82-моддаси). Беларусь Республикаси ФПКнинг бошқа давлатлар қонунчилигидан фарқли жиҳатларидан яна бири унда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурорнинг мажбурий иштирокига бағишланган махсус модданинг (83-модда) мавжудлигидадир. Унга кўра, прокурор иштироки шарт бўлган фуқаролик ишлари қуйидагилардан иборат:

1) иш прокурорнинг аризаси бўйича қўзғатилган бўлса, шунингдек суд томонидан прокурорнинг иштироки шарт деб топилган ҳолларда;

2) ушбу Кодексда ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда;

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда суд прокурорни ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида олдиндан хабардор қилиши шарт.⁶⁶

Молдова Республикаси ФПКнинг 71-моддасида прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин бўлган фуқаролик ишларининг рўйхати белгиланган бўлиб, ушбу рўйхатга давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишни талаб этадиган ишлар киритилган. Унга кўра, прокурор қуйидагиларга ҳақли:

а) бюджетни шакллантириш ва ижро этиш;

б) давлат эгаллигида бўлган мутлақ мулкни ҳимоя қилиш;

в) давлат манфаатларини чеклашга қаратилган шартномаларни бекор қилиш;

г) устав капиталида давлат улуши бўлган хўжалик юривчи субъектлар фойдасига пул суммаларини ундириш;

д) давлат органлари, бошқа органлар, давлат хизматчилари томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунга мувофиқ ҳақиқий эмас деб топиш;

⁶⁶ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999. № 18–19, 2/13. www.consultant.ru

е) ноқонуний эгалланган мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш;

ж) белгиланган тартибни бузган ҳолда ташкил этилган юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилиш, шунингдек ноқонуний фойда олган юридик шахсларни тугатиш;

и) атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш каби ишларни қўзғатиш.

Кўриб турганимиздек, хорижий давлатларнинг ўрганилган фуқаролик процессуал қонунчилиги фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг судга мурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини чеклаш баробарида фуқароларнинг айрим ижтимоий соҳадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишида имкониятлар яратмоқда.

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини тартибга солувчи мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, яқин ва олис хориж давлатларининг юқорида мисол тариқасида келтирилган қоидаларидан фарқли равишда бизда прокурор бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин (ФПКнинг 46-моддаси). Фуқаролик ишлари бўйича судга ариза билан мурожаат қилиш жараёнида прокурор ваколатини аниқлаштиришга қаратилган янги нормалар 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунида ўз ифодасини топганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Хусусан, аввалги таҳрирдан (1992 йил 9 декабрь) фарқли равишда янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган бўлса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этиши ва судда қувватлаши белгилаб қўйилди.⁶⁷ Адабиётларда қайд этилишича, прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиши, унинг ушбу жараёндаги процессуал ҳуқуқий ҳолати ва

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 168-модда.

бу каби янгиликлар миллий қонунчилигимиз либераллаштириш йўналишида ривожланаётганлигини кўрсатади.⁶⁸

Бундан ташқари, юқорида айтилганларнинг барчаси мамлакатимиз қонунчилигида ҳам прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш ваколатларини тартибга солиш йўналиши бошланганлигини кўрсатади.

Шу ўринда ҳуқуқшунос олимлардан А.Ю. Рожков фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг судга мурожаат қилиш борасида қонунчиликда назарда тутилган чекловларнинг аҳамиятига тўхталиб, прокурорнинг судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши борасидаги ҳаддан ташқари кенг асослар белгиланиши фуқаролик суд ишларини юритишнинг муҳим принципларидан бири бўлмиш тарафларнинг эркин ҳуқуқлилик, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципларининг бузилишига олиб келиши мумкин, деб таъкидлайди.⁶⁹ Дарҳақиқат, бизнинг фикримизча ҳам фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида прокурор ваколатларининг тартибга солиниши моддий ҳуқуқий муносабат субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясига эътиборсизроқ муносабатда бўлишларининг олдини олади, фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга мансабдор шахсларнинг ўринсиз аралашувига чек қўяди. Зеро, қонунда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан суд орқали ҳимоя қилиши учун кенг имкониятлар яратилган. Қолаверса, айрим фуқаролар прокурор орқали фуқаролик ишларини қўзғатишда бошқа мақсадларни, хусусан, суд харажатларини тўламаслик, суд муҳокамасида прокурорнинг обрўсидан фойдаланиш каби муддаони қўзлашлари ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам прокурорнинг бошқа шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган ҳолатлардагина судга мурожаат қилишга ваколатли бўлиши, бизнингча, мақсадга мувофиқдир.

⁶⁸ Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент. ЎзР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. 2008. – 14-б.

⁶⁹ **Қаранг:** Рожков А.Ю. Необходимость и целесообразность участия прокурора в гражданском и арбитражном процессе // Вестник Воронежского института МВД России, № 2, 2014. – С. 58.

Маълумки, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 163–II-сонли Қонунига асосан ўзгартириш ва қўшимча киритилиб, Кодекснинг 47-моддаси биринчи қисмидаги “ҳар бир ишнинг мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ёзма ва оғзаки хулоса бериш”, деган сўзлар “иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш”, деган сўзлар билан алмаштирилди. Эндиликда прокурор фуқаролик процессида иштирок этар экан, ҳар бир фуқаролик иши юзасидан ёзма ва оғзаки хулоса бермайди, балки ўз фикрини баён этади. Шунга мувофиқ равишда ФПКнинг 199-моддаси номи “Прокурорнинг хулосаси” ўрнига “Прокурорнинг фикри” деб ўзгартирилди. Шунингдек, ФПКнинг 352-моддасига кўра, назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурор ва унинг ўринбосарлари суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлмасликлари белгиланди.⁷⁰ Қонунчиликка киритилган ушбу янгиликка баҳо берар экан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Амалдаги процессуал қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтирилган янги таҳрирдаги қонунга кўра, прокурорлар суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай қоида бошқа янги ўзгартишлар қаторида судларнинг мустақиллигини таъминлаб, суд ва прокуратура ваколатлари ўртасидаги тегишли мувозанатни ўрнатишга ёрдам беради.”⁷¹ Дарҳақиқат, бу каби қоида суд процессида прокурор билан адвокатнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга ҳам замин яратиши тўғрисида юридик адабиётларда ҳам эътиборли фикрлар илгари сурилади.⁷²

⁷⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 163–II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда.

⁷¹ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида / Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2002. – Б. 28–51.

⁷² Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига киритилган янгиликлар (илмий-амалий қўлланма) // Масъул муҳаррир ю.ф.н. А.Б. Фафуров. – Тошкент: ЮМОМ, 2012. – 13-б.

Шундай бўлса-да, прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштироки ўзининг муҳимлиги ва долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Зеро, фуқаролик суд ишлари юритилишида прокурорнинг иштироки фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари, хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳамоя қилишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам прокурорнинг фуқаролик ишини моҳияти бўйича ўз фикрини баён этиши фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамоя қилиб иштирок этаётган давлат бошқарув органларининг хулосаларидан фарқ қилади. Хусусан, прокурор судда кўрилайётган фуқаролик ишининг моҳияти бўйичагина эмас, балки суд муҳокамасида иштирок этаётган шасхлар томонидан амалга оширилган алоҳида ҳаракатлар бўйича ҳам ўз фикрини баён этади. Чунки, прокурор фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида ҳам қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади ва прокуратура органлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳамоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш вазифаси юклатилган давлат ҳокимиятининг ўзига хос, муҳим элементи ҳисобланади. Бундан ташқари, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда (1-модданинг иккинчи қисми) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишлари назарда тутилган.⁷³ Шунинг учун ҳам фуқаролик процессида прокурорнинг фикри билан бошқа процесс иштирокчиларининг хулосаси ўзининг ҳуқуқий табиати ва оқибати билан фарқ қилади. Юридик адабиётларда ҳам (М.А. Вукот, К.С. Юдельсон,

⁷³ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 168-модда.

Д.М. Чечот) фақат прокуроргина фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар ҳаракатларининг қонунийлигини таъминлаш ваколатига эга бўлиши ҳақидаги фикрлар бежиз илгари сурилмаган.⁷⁴

Айтиш жоизки, прокурорнинг фикри ҳам аниқ ва асослан-тирилган бўлиши, аниқ ифодаланиши, унда кўрсатилаётган важ-лар моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларига асосланган бўли-ши керак. Юридик адабиётларда таъкидланишича, прокурорнинг фикрида кўрилаётган фуқаролик ишининг ижтимоий аҳамияти асослантирилиши, суд муҳокамасидаги далилларнинг исботлан-ганлиги таҳлил этилиши, тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муноса-бат очиб берилиши, ушбу муносабатни тартибга солувчи қонун шарҳланиши ҳамда охир-оқибат қонуннинг ушбу нормаси асо-сида фуқаролик иши ҳал этилишининг ёрқин баёнини топиши керак.⁷⁵

Юридик адабиётларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар-ни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим олимлар (Г.А. Жилин, В.М. Жуйков, С.В. Моисеев, А.С. Федин ва бошқалар) фуқаро-лик ишларининг иккинчи инстанция ва назорат тартибида қайта кўрилишида прокурор фикр бермаслигини, чунки прокурорнинг фикри ишнинг моҳияти бўйича берилишини, юқори инстанция судларида иш ҳар доим ҳам тўлиқ кўриб чиқилмаслигини қайд этадилар. Бироқ миллий процессуал қонунчиликни таҳлил қи-лиш шуни кўрсатадики, масалан, апелляция, кассация ва назо-рат инстанциялари ажримининг (қарорининг) мазмуни баён этил-ган Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 315-моддасида ушбу ажримларда (қарорларда) шикоятда ёки протестда баён этилган важлар, тақдим этилган материалларнинг қисқача мазмуни, ишни кўришда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри ҳам ўз ифодасини топиши белгилаб қўйил-ган. Шундай экан, фуқаролик ишларининг юқори инстанция судларида кўрилишида прокурор албатта иштирок этиб, ўзи томонидан тақдим этилган протестни қўллаб-қувватлайди ёки бўлмаса, ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади.

⁷⁴ **Қаранг:** Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дис. соис. учен. степ. канд. юрид. наук. – Саратов, 2002. – С. 24.

⁷⁵ Ўша жойда. – 18-б.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, прокурорнинг иш моҳияти бўйича билдирган фикри прокурор томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида тузиладиган муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланади. Шу муносабат билан процессуал қонунчиликка прокурорнинг фикри ёзма шаклда тузилиши ҳамда иш ҳужжатларига қўшиб қўйилиши ҳақидаги нормани киритиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, суднинг прокурор фикри билан келишмаслик сабаблари суднинг ҳал қилув қарорида асослантирилиши керак.

Юқорида айтилганларга кўра, шундай ҳулоса қилиш мумкинки, прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштирокини белгиловчи ФПКнинг “Прокурорнинг фикри” деб номланган 199-моддасида “Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар бундан мустасно” дейилган бўлиб, прокурорнинг фикри процессуал томондан нималардан иборат бўлиши ва унинг шаклига оид талаблар баён қилинмаган. Шу боис прокурорнинг фикрига ҳуқуқий мақом берилиши, яъни унда қандай масалалар кўрсатилиши, уни судга тақдим этиш шакли, тартиби ва оқибатлари тўғрисидаги норма қонун даражасида белгилаб қўйилиши лозим. Бизнингча, ФПКнинг 199-моддасига иккинчи қисм сифатида қуйидаги таҳрирдаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Прокурорнинг ишнинг моҳияти бўйича берадиган ёзма фикри қуйидагиларни ўз ичига қамраб олиши керак:

фуқаролик ишининг ҳақиқий ҳолати ва қисқача мазмуни;

тарафларнинг талаб ва эътирозлари, учинчи шахслар ҳамда процесснинг бошқа иштирокчилари тушунтиришлари ва кўрсатмаларига нисбатан берилган баҳо;

иш бўйича қонун талабларининг батафсил мазмуни;

қонун, прокурорнинг ўз ички ишончи ҳамда зарурати бўлганда ахлоқий меъёрлар талаблари асосида асослантирилган ҳулоса.”

1.3. Фуқаролик процессида прокурорнинг ҳуқуқий ҳолати ва уни такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган йиллари мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги принципи суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи қудратли омилга айланди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти таъкидлаганидек, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви “... фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди”.⁷⁶

И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги (2001 йил 29 август) “**Адолат — қонун устуворлигида**” маърузасида прокуратура фаолиятига алоҳида тўхталиб, прокуратуранинг ваколат доирасини, фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини халққа хизмат қилиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Прокуратура органлари ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бир неча йўналишларда ҳимоялашни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистоннинг муқаддам амалда бўлган Гражданлик процессуал кодексида прокурор процесснинг бошқа иштирокчилари қаторида қонунда белгиланган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланар экан, ушбу Кодекснинг 13, 43-моддаларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга, яъни гражданлик процессида қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш

⁷⁶ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 17-б.

каби ваколатларга ҳам эга эди.⁷⁷ Прокурор ушбу ваколоти, суддаги процессуал ҳуқуқий ҳолати билан процесснинг бошқа иштирокчиларидан ажралиб турган, чунки у ишда иштирок этувчи субъект бўлиш билан бирга, процессда суд фаолияти ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг қонунга риоя этиши устидан назорат ҳам олиб борган. Мазкур ҳуқуқий норма мавжудлигининг ўзиёқ суднинг одил судловни амалга оширувчи орган эканлиги ҳақидаги конституциявий норма талабларига зид эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинган, прокурорнинг фуқаролик процессидаги мақсад ва вазифалари ҳам ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларида ҳамда Фуқаролик процессуал кодексида илгари қонун ҳужжатларидаги прокурорнинг назорат ваколоти тааллуқли атама “судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки” атамасига ўз ўрнини бўшатиб берди ва бу билан суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган муҳим қадамлардан бири қўйилди.

Соҳага оид қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 2015 йил 17 ноябрдаги 124-сонли буйруғи асосида фуқаролик ишлари кўрилишида прокурорнинг иштироки бугунги кунда судларда одил судловни амалга оширишда ушбу йўналишнинг бир тури сифатида ўз самарасини бериб келмоқда.

Таҳлилий маълумотларга кўра, 2015 йилда судларда кўрилган фуқаролик ишлари сони 2014 йилга нисбатан бирмунча кўпайган. Жумладан, 2014 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда биринчи инстанцияда кўрилган ишларнинг сони 217147 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилга келиб 260732 тани ташкил қилган.⁷⁸

⁷⁷ Қаранг: Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси: (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т.: Ўзбекистон. 1986. – 226-б.

⁷⁸ Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг 2015 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 2016. – 2-б.

Судда прокурор ҳуқуқий муносабатлар субъекти қаторида иштирок этса-да, унинг ваколати суд ҳокимиятининг, бошқа идораларнинг ва мансабдор шахсларнинг ваколатларидан фарқланади, чунки прокурор ҳеч қандай маъмурий ҳокимиятларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланмасдан, қонунларнинг устуворлигини таъминлашдек муҳим вазифасини фақат ўзининг конституциявий ваколатига ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда белгиланган ваколатларига рия қилган ҳолда адо этади.

Прокурор фуқаролик процессида қайси шаклда иштирок этмасин, унинг асосий вазифаси қонун устуворлигини ва қонунийликни таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қайси шаклда иштирок этмасин, прокурорнинг фуқаролик процессидаги мақсад ва вазифалари ўзгармайди, бинобарин, процессуал ҳолати ҳам ўзгармайди. Хусусан, прокурор даъвогар, жавобгар ва уларнинг вакили ҳам бўла олмайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, прокурорнинг фуқаролик процессида қонунийликни таъминлаш вазифаси билан процессдаги ўзига хос ҳуқуқлари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни бири-бирдан ажратиш мумкин эмас.

Маълумки, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари орасида муҳим ўринни ишда иштирок этувчи шахслар эгаллайди. Уларнинг процессуал фаолияти фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг боришига ва ривожланишига, фуқаролик процессининг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор қилинишига жиддий таъсир қилади. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 33-моддасига кўра, прокурор ҳам ишда иштирок этувчи шахслар қаторига киритилган ҳамда муайян процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳисобланади. Прокурорнинг фуқаролик процессидаги асосий вазифалари қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланидиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат ҳисобланади.

Фуқаролик процессида иштирок этувчи прокурор турли тоифадаги ишларни кўришда ўз ваколатини амалга ошира бориб, судда раислик қилувчининг фармойишлари қанчалик асосли ва қонуний эканлигига ҳам аҳамият беради. Прокурор, шунингдек, раислик қилувчига суд мажлисини бошқаришда ишнинг барча ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ, ҳар тарафлама ва ҳолисона текшириш, процесснинг тарбиявий таъсирини таъминлаш ҳамда кўрилатган ишга алоқаси бўлмаган ҳолатларни суд муҳокамасидан чиқаришга иш юзасидан ўз фикрини бериш орқали кўмаклашади.

Фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор ўз ваколатини қуйидаги тўрт усулда амалга оширади:

бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш;

бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш;

ўзи иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, фуқаролик ишлари юзасидан чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция, кассация протестларини келтириш ва ишларнинг апелляция, кассация тартибида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан назорат протести келтириш ва ишнинг назорат тартибида қайта кўрилишида иштирок этиш.

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг қуйидаги учта асоси белгилаб қўйилган:

қонунда назарда тутилган ҳолларда;

суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;

прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ишларда.

Прокурорнинг фуқаролик суд ишлари юритилишидаги ваколатлари:

- жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик, ижтимоий адолат, тинчлик ва миллий тотувликни мустаҳкамлашга;

- фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг ҳамда хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоялашга;

- қонун ва мазкур буйруқда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда барча суд инстанцияларида прокурор иштирокини таъминлашга;

- прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар бўйича судларнинг ноқонуний қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўришга;

- суд қарорларини муружаатларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга йўналтирилади.⁷⁹

Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг асосий мақсади қонунчиликка риоя қилинишида ва одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашишдан иборатдир.

Яна бир мақсад, прокурор фуқаролик суд ишларини юриштирнинг барча босқичида ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, қонун бузиш ҳолларини бартараф қилиш чораларини кўради. Прокурор суд фаолияти эмас, балки судда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди. Шу сабабли прокурор процессда муайян тарафнинг ҳуқуқини ҳимоя қилаётганлигига қарамай, бирон тарафнинг ҳуқуқи бузилгудек бўлса, ҳар қандай ҳолда ана шу қонун бузилишига ўз муносабатини билдиради.

Прокурорнинг судда фуқаролик ишлари кўрилишида ўз ваколатларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини қуйидаги тартибда икки босқичга бўлиш мумкин:

- судда кўрилиши лозим бўлган ишни ўрганиш;

- суд муҳокамасида иштирок этиб, қонун билан белгиланган процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш.

Судда кўрилиши лозим бўлган фуқаролик ишини ўрганиш прокурорнинг суд муҳокамасига тайёргарлик кўришининг усули ва айни вақтда ўз ваколатларини амалга оширишнинг воситаси

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 2015 йил 17 ноябрдаги 124-сонли буйруғи.

хисобланади. Фуқаролик иши бўйича амалга оширилган процессуал ҳаракатларнинг қонунийлигини ўрганиш орқали прокурор қўзғатилган ишнинг қонунийлигини ва суд муҳокамасини ўтказишга кўрилган тайёргарликнинг тўлиқлигини текширади.

Демак, суд ва прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги фаолияти процессуал қонунларга қатъий риоя қилиш ва уларни тўғри амалга оширишга қаратилмоғи лозим. Шунинг учун ҳам қонунда ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини суд тартибида ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги белгиланган (ФПКнинг 1-моддаси).

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ўз иштирокини кўпроқ моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга қаратади. Агар у суд қабул қилган ҳужжатларда турли хилдаги қонун бузилишларни аниқласа, бу ким томонидан ва қандай ҳолатда рўй берганлигидан қатъи назар, ваколати доирасида муносабат билдиришга, бинобарин, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтиришга ҳақли.

Маълумки, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурорнинг ҳуқуқий ҳолатини тўғри белгилаш юридик адабиётларда, ҳуқуқшунос олимлар ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Шу ўринда прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий ҳолати унинг иш якунидан манфаатдорлигидан эмас, балки қонун билан прокурор зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқишини алоҳида таъкидлаш керак.

Прокуратура идораларининг фаолияти “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилганидек, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга (Қонуннинг 2-моддаси) қаратилгандир.⁸⁰ Ушбу Қонуннинг 33-моддасига кўра, фуқаро-

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 168-модда.

ларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади. Ишлар судларда кўрилаётганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, прокурорнинг фуқаролик процессидаги мавжуд процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

Биринчиси – судда фуқаролик ишини кўзғатиш ваколатига эга бўлган шахсларга бериладиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. Бироқ процессда прокурорнинг ҳуқуқий ҳолати низоли ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига қараганда бирмунча чекланганлиги билан ажралиб туради. Масалан, прокурор низоли-ҳуқуқий муносабат субъекти бўла олмайди, шу сабабли унга нисбатан жавобгар томонидан қарши даъво кўзғатилмайди, қолаверса, прокурор келишув битими туза олмайди ва бошқалар.

Иккинчиси – махсус ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. Прокурорга ўзи эгаллаб турган мансаб мавқеига кўра, шундай махсус ҳуқуқлар берилганки, ушбу процессуал ҳуқуқлардан процесснинг бошқа иштирокчилари фойдалана олмайди.⁸¹

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 47-моддаси биринчи қисми мазмунига кўра, прокурор ушбу Кодекснинг 34-моддасида назарда тутилган қуйидаги **умумий процессуал ҳуқуқлар**дан фойдаланади:

- ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш;
- рад этиш тўғрисида арз қилиш;
- далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш;
- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

⁸¹ **Қаранг:** Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Саратов, 2002. – С. 14.

- ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўз важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш;

- суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи устидан шикоят қилиш;

- суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруқнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижрочисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш.

Прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган қуйидаги мажбуриятни ўз зиммасига олади:

- берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши ва ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт (ФПКнинг 34-моддаси);

- прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддаси бешинчи қисми).

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 47-моддасида прокурор фойдаланиши мумкин бўлган **махсус процессуал ҳуқуқлар** ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра, прокурор:

- берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш;

- ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини даъвогарнинг розилиги билан ўзгартириш;

- ўзи арз қилган даъво талабларининг миқдорини даъвогарнинг розилиги билан кўпайтириш ёхуд камайтириш;

- бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш;

- иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш;

- суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори юзасидан протест келтириш ҳуқуқига эга.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлар прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий ҳолати негизини ташкил этади ва ушбу ҳуқуқларда фуқаролик процессининг ҳар иккала шаклида,

хусусан, судга даъво тақдим этиш ва бошқа шахслар томонидан бошланган ишда иштирок этиш жараёнида ҳам фойдаланади.

Юридик адабиётларда прокурорнинг процессуал ҳуқуқлари айна вақтнинг ўзида унинг процессуал мажбуриятлари ҳам ҳисобланиши таъкидланади.⁸²

Шу ўринда қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, фуқаролик процессида прокурор муайян процессуал ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида иштирок этар экан, бир вақтнинг ўзида у прокурор ваколатларини белгилаб берувчи давлат ҳуқуқий муносабат субъекти ҳам ҳисобланади. Масалан, фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддаси).

Прокурор суд томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва хатоликларга ўз вақтида муносабат билдириши шарт. Суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиб, қонунни ҳимоя қилиш функциясидан келиб чиқиб, процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 34, 35-моддалари).

Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда таъкидланишича, юқоридаги ҳолатда прокурорнинг мажбуриятлари процессуал тусда бўлмай, ўз асоси ва функционал йўналишларига кўра прокурорнинг давлат олдидаги мажбурияти ҳисобланади, деб талқин этилади. Прокурорнинг давлат ҳуқуқий муносабат субъекти сифатидаги мазкур мажбурияти унинг муайян фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъекти (шу ўринда фуқаролик процессидаги прокурор назарда тутилмоқда. *Муаллифлар изоҳи*) тариқасидаги процессуал ҳуқуқлари билан бирлашиб кетади.⁸³

⁸² **Қаранг:** Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Саратов, 2002. – С. 15.

⁸³ **Қаранг:** Вукот М.А. О процессуальных формах участия прокурора в гражданском судопроизводстве // Вестник СГАП. 1998. № 1. – С. 67–68.

Хорижий давлатларнинг прокурорнинг фуқаролик процес-сидаги ҳуқуқий ҳолати юзасидан ўрганилган тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерацияси ФПКда прокурор-нинг ваколатлари бирмунча кенгайтирилган. Мазкур Кодекснинг 45-моддасига кўра, ариза бераётган прокурор, даъвогарнинг келишув битими тузиш ва суд харажатларини тўлаш мажбуриятдан ташқари барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча процессуал мажбуриятларини зиммасига олади. Прокурор процессда сўзга чиқади, зиммасига юклатилган ваколатларни амалга ошириш мақсадида уй-жойдан кўчириш ҳақидаги, ишга тиклаш тўғрисидаги, фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги, шунингдек ушбу Кодекста ва бошқа федерал қонунларда назарда тутилган бошқа ишлар бўйича хулосалар беради. Иш кўришнинг вақти ва жойи ҳақида хабар қилинган прокурорнинг ҳозир бўлма-лиги ишни кўришга тўсқинлик қилмайди. Бироқ мазкур моддада кўрсатилишича, бошқа шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси учун берган аризасидан прокурор воз кечган тақдирда, манфаатлари ҳимоя қилиниб, даъво кўзғатилган шахс ёки унинг қонуний вакили даъводан воз кечмаса, иш мазмунан кўриб чиқилади. Даъвогар даъводан воз кечган тақдирда эса, агар бу қонунга зид бўлмаса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, суд иш юритишни тугатади.

Беларусь Республикаси ФПКнинг 84-моддасида прокурор-нинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутилган бўлиб, унга кўра, ишда иштирок этаётган прокурор ушбу Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларга эга ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Бундан ташқари, прокурор ишнинг мазмуни юзасидан, ишни кўриш вақтида келиб чиққан масалалар бўйича ўз фикрини баён этади, шунингдек мазкур Кодекста назарда тутилган бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган аризасидан воз кечиши бу шахсни суддан ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Агар даъвогар прокурор томонидан арз қилинган даъводан воз кечса, суд мазкур Кодекснинг 61-моддаси тўртинчи қисми талабларидан келиб чиқиб, иш юритишни тугатишга ҳақли.

Қозоғистон Республикаси ФПКда прокурорнинг ҳуқуқий ҳолати батафсил баён этилган 55-моддага кўра, фуқаролик суд ишларини юритишда қонунларнинг аниқ ва бир хилда қўлланилиши устидан олий назоратни давлат номидан Қозоғистон Республикасининг Бош прокурори бевосита ва унга бўйсунувчи прокурорлар орқали амалга оширади. Прокурор қонун билан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш мақсадида процессга хулоса бериш учун киришиш ҳуқуқига эга.

Давлат манфаатларига дахлдор ишлар бўйича, агар жамият манфаатларини ёки ўзини мустақил ҳимоя қила олмайдиган фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаб этилса, шунингдек ишда иштирок этиш суд ёки прокурор томонидан зарур деб топилган ҳолларда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирок этиши шарт.

Прокурорнинг юқорида кўрсатилган ваколатлари суд томонидан кўришга тайинланган барча ишлар ҳақида суднинг интернетдаги ахборот ресурсида тегишли ахборотни жойлаштириш орқали ўз вақтида хабардор қилиниши билан таъминланади.

Прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, ташкилотлар, жамият ва давлат манфаатлари ҳимояси юзасидан судга даъво аризаси, ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Номуайян шахслар доирасининг меҳнат, уй-жой ва бошқа ижтимоий соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек муомалага лаёқатсиз фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган даъволар прокурор томонидан манфаатдор шахснинг илтимоси ва аризасидан қатъи назар, берилиши мумкин.

Агар даъвогар прокурор томонидан арз қилинган талабларни қўллаб-қувватламаса, ушбу ҳолат учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилмаса, суд даъвони (аризани) кўрмасдан қолдиради.

Даъво тақдим этган прокурор келишув битими тузиш, медиация тартибида низони ўзаро ҳал этиш тўғрисида келишув тузиш ва партисипат тартиб-таомил орқали келишмовчиликларни ҳал этиш тўғрисида келишув тузишдан ташқари, даъвогарнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва барча процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Прокурор-

нинг бошқа шахс ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган даъвоси (аризаси)дан воз кечиши, ушбу шахсни Қозоғистон Республикасининг “Бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳақида”ги кодекси талабларига риоя қилган ҳолда суддан ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Судда кўрилаётган низоли ишда прокуратура идораларининг манфаатини даъвогар ёки жавобгар сифатида ифода этаётган прокурор тарафларнинг барча процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан фойдаланади.⁸⁴

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам прокурорнинг иштироки қонун устуворлигини қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, инсон ва фуқаронинг мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб берилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилганлиги билан белгиланишини эътиборга олган ҳолда прокурорнинг ҳуқуқий ҳолати процесснинг бошқа иштирокчилариникидан фарқланади. Хусусан, агар суд фуқаролик ишини кўраётганида тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун бу ҳақда тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилади (ФПКнинг 19-моддаси).

Қуйидаги нормалар прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг ўзига хос хусусиятлари сифатида эътироф этилади:

1) фуқаролик иши бўйича йўқолган суд ишини суд прокурорнинг аризасига биноан тиклаши мумкинлиги (ФПКнинг 24-моддаси);

2) судья, агар шу иш илгари кўрилганида прокурор сифатида қатнашган бўлса, рад этилиши (ФПКнинг 25-моддаси);

3) низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар прокурорнинг илтимосномаси бўйича ишда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкинлиги (ФПКнинг 45-моддаси);

⁸⁴ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, Ақорда, 31 октябры 2015 года. <http://online.zakon.kz>

4) прокурор раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмаса, у огоҳлантирилиши, мазкур прокурор раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмаса, агар уни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилиши, айти бир вақтда суд хусусий ажрим чиқариши ва ушбу ажримнинг тегишинча юқори турувчи прокурорга юборилиши (ФПКнинг 166-моддаси);

5) суд агар ҳужжат қалбаки деган хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқариши ва зарур ҳолларда материалларни прокурорга юборилиши (ФПКнинг 190-моддаси);

6) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга муурожаат этган прокурор суд музокараларида биринчи бўлиб сўзлаши (ФПКнинг 198-моддаси);

7) иш прокурорнинг аризаси билан кўзғатилиб, судда прокурор томонидан бошланган бўлса, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, иш кимнинг манфаатини кўзлаб кўзғатилган бўлса, ана шу шахс учун мажбурий эканлиги (ФПКнинг 217-моддаси).

Хорижий давлатларнинг ўрганилган фуқаролик процесуал қонунчилигида ҳам бу каби ўзига хос процесуал хусусиятлар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, Беларусь Республикаси ФПКнинг 189-моддасидаги қуйидаги норма назаримизда, эътиборга лойиқ. Унга кўра, агар иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлса, вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш вақтида суд мажлиси залидан ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахслар суднинг ажрими бўйича чиқариб турилиши мумкин, бироқ бундан прокурор ва адвокат мустасно. Бундан ташқари, мазкур Кодекснинг 272-моддаси бешинчи қисмига кўра, суд мажлисидаги тартиб прокурор томонидан бузилган тақдирда, суд иш кўришни бошқа кунга қолдиради ва бу ҳақда юқори турувчи прокурорга хабар беради. Мамлакатимиз фуқаролик процесуал қонунчилигида эса, суд мажлисидаги тартиб прокурор томонидан бузилган тақдирда, суд дастлаб прокурорни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа прокурор билан алмаштириш чорасини кўришини назарда тутди. Бироқ ушбу қонунчиликда судьянинг ишни кўришда иштирок этаётган

прокурорни бошқаси билан алмаштириш чорасини кўриш тартиби ва механизми мавжуд эмас. Шундай экан, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 166-моддаси учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилиши таклиф қилинади:

“Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантирилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига такрор итоат этмасалар, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилади ва айна бир вақтда суд хусусий ажрим чиқариб, бу ажримни тегишинча юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборади.”

Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки ҳамда унинг ваколатларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклифларимиз ҳам муҳокама қилиб, ўйлаб кўрилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Биринчидан, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасида прокурор “бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга” деб кўрсатилган бўлиб, бунда ишни кўришнинг бошланиши тушунчаси аниқлаштирилиши, шу модданинг рус тилидаги матнидаги “с начала разбирательства” деган талқин билан тенглик ва ҳамоҳангликни таъминлаш мақсадида мазкур модданинг биринчи қисмини, бизнингча, қуйидагича баён этиш лозим:

“Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда суд муҳокамасининг бошланишидан иштирок этиш ҳуқуқига эга”.

Иккинчидан, Фуқаролик процессуал кодексининг ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатларига бағишланган 160-моддасининг биринчи қисми 3-банди матнидан “ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиши” деган таърифни чиқариб ташлаш таклиф қилинади. Зотан, қонунда ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги

масаланинг аниқ ечими мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 2015 йил 17 ноябрдаги 124-сонли буйруғида прокурор иштирок этиши лозим бўлган ишлар рўйхати келтирилган. Бундан ташқари, қайси фуқаролик ишларида иштирок этиши лозимлигини ҳар бир прокурорнинг ўзи ҳал қилиши зарур. Прокурорнинг суд процессида қонунда аниқ кўрсатилганидан бошқа ҳолларда иштирок этиши масаласининг судья томонидан ҳал этилиши прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги ваколатларини таъминлаш қайсидир маънода чекланишига олиб келади. Яна бир фикр – прокурорнинг судда кўриш учун тайинланган фуқаролик иши ҳақида хабардор қилинишини таъминлаш мақсадида ФПКнинг 160-моддаси биринчи қисми 4-бандидаги прокурорга юритилаётган ишни ва уни кўриш вақтини маълум қилиши ҳақидаги нормани алоҳида бандда ифодалаш таклиф қилинади.

1.4. Фуқаролик процессида суд қарорларини қайта кўриш босқичида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба

Фуқаролик ишлари бўйича қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг чиқарилишини таъминлаш фуқаролик процессининг демократик тамойилларидан ҳисобланади.

Фуқаролик процессида иштирок этувчи шахсларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари фуқаролик ишлари фақат биринчи инстанция судида эмас, балки юқори инстанция судларида кўрилишида ҳам ҳимоя қилинади. Бинобарин, агар ишнинг дастлабки судда кўрилишида қонун талабларига риоя қилинмаган, мураккаблиги ёки бошқа сабабларга кўра ишнинг муайян ҳолатлари очилмай қолишига йўл қўйилган бўлса, бундай ҳолатлар юқори инстанция судларида апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилиб, аниқланиши ва тузатилиши мумкин.

Маълумки, судда қабул қилинган қарорлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг, хусусан, тарафлар ва учинчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилади. Шу сабабли ишнинг кўрилиши натижасидан норози бўлган шахслар юқори турувчи судга шикоят, прокурор эса, протест билан мурожаат қилиб, ишнинг текширилишини илтимос қилишлари мумкин. Юқори судлар, ўз навбатида, биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорлари қанчалик тўғри ва асосли бўлганлигини текширишга мажбур.⁸⁵ Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ҳам биринчи инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари ҳамда ажримлари қонунийлиги ва асослилигини текширувчи юқори инстанция судларининг фаолиятига баҳо берилар экан, улар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф эта бориб, одил судловнинг тўғри амалга оширилишини ҳамда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қонунийлик мустаҳкамланишини таъмин этиб келаётганлигини алоҳида қайд этади.⁸⁶

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига апелляция институтининг киритилиши ҳамда кассация инстанцияси ислоҳ этилиб, унинг ваколатлари кенгайтирилиши юқори босқич судлари томонидан суд қарорларини, шикоят ва протест важларини ҳар томонлама синчиклаб текшириш, қўшимча далил, ҳужжат ва ҳолатларга баҳо беришнинг янада кенгроқ имкониятларини яратиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Хусусан, фуқароларга суд қарорлари устидан шикоят қилишлари, энг аввало, ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари учун қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида ФПКнинг 37-боби “Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари

⁸⁵ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент, “Адолат”. 2001. – 348-б.

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини апелляция тартибда кўриш амалиёти ҳақида”ги 2004 йил 21 майдаги 5-сон Қарори // “Норма” АҚТ.

(ажримлари) устидан апелляция шикоятни бериш (протести келтириш)” деб номланди. Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширувни кўзгатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси бирмунча кенгайди. Ўзбекистон Республикасининг бағоят муҳим қонуни⁸⁷ билан Фуқаролик процессуал кодексига киритилган 37-боб ўзида 28 та моддани жамлаган бўлиб, ушбу моддаларда бевосита апелляция шикоятни бериш (протести келтириш) ҳуқуқига эга бўлган шахслар, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш шартлари, апелляция шикоятларини (протестларини) кўрадиган судлар, уларнинг процессуал ҳаракатлари ва ишни апелляция тартибида кўришнинг процессуал тартиби ва суднинг ваколатлари билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида фуқаролик процессида апелляция институти жорий этилганлигининг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиши кафолатлари кучайтирилган айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислох қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлганлигини, мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган эди. Маърузада таъкидланганидек, бугунги кунда фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция судининг қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб

⁸⁷ “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 163–II-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 йил 1–2-сон, 11-модда.

чиқиш тартиби батамом тугатилганини ҳам таъкидлаш лозим. *“Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, – дейилади маърузада, – жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди. Шу борада қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибидан тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиги апелляция ва кассация тартибидан бартараф этилган”*.⁸⁸

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, фуқаролик ишларини апелляция тартибидан кўриш институти биринчи инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари ҳамда ажримларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатли эканлигини текшириб, улар томонидан йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, суд қарорларини назорат тартибидан қайта кўришга қараганда суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция ва кассация тартибидан қайта кўриш кўпчиликти ташкил этмоқда. Масалан, 2015 йилги маълумотга қараганда, вилоят судларининг ва уларга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанциясида жами кўрилган ишларнинг сони 6739 тани, кассация инстанциясида эса, 7344 тани ташкил этган бўлса, назорат инстанцияси судида ушбу кўрсаткич 327 тани ташкил қилган.⁸⁹

Шундай қилиб, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, эндиликда суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув:

1) қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятни ёки апелляция протести бўйича;

2) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

⁸⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 18-б.

⁸⁹ Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг 2015 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 2016 йил. – Б. 66–67.

3) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан берилган кассация шикояті ёки кассация протести бўйича;

4) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ажрими устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

5) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор устидан назорат тартибида протест келтириш ҳақида берилган ариза бўйича;

6) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида берилган ариза бўйича қўзғатилади (ФПКнинг 311-моддаси).

Суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширув прокурор берган протест асосида қўзғатилиши алоҳида аҳамият касб этади. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасига кўра, прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли. Протест келтириш прокурорнинг ваколат доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этади.

Амалдаги қонунчиликда прокурор томонидан протест келтириш жараёнида бир қатор имтиёзлар назарда тутилган бўлиб, улар, аввало, прокурор протести учун давлат божининг ундирилмаслигидир. Бундан ташқари, апелляция ва кассация протести ушбу ишда иштирок этган-эتماганлигидан қатъи назар, прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан келтирилади ва имзоланади (ФПКнинг 323, 348⁴-моддалари).

Суд қарорларига нисбатан ишнинг қандай ҳал этилишидан моддий манфаатдор бўлмаган, зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдек муҳим вазифалар юклатилган прокурорлар томонидан протестларнинг келтирилиши суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 320-моддасига кўра, суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичида прокурор ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга. Протест келтириш учун қонун билан белгиланган муддатга риоя қилиш жуда муҳим саналади. Чунки мазкур муддат ўтганидан кейин берилган протест кўрилмайди ва уни (протестни) берган шахсга қайтарилади. Суднинг ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 320-моддасида назарда тутилган апелляция протести келтириш муддати мазкур қарор чиққан кундан эътиборан ҳисобланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 19-сон Қарорининг 20-бандида тушунтириш берилган.⁹⁰ Бироқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги 2004 йил 21 майдаги 5-сонли Қарорининг 4-бандида тушунтириш берилишича, судлар апелляция шикояти (протести) берган шахс апелляция шикояти беришнинг (протести келтиришнинг) ФПКнинг 320-моддасида белгиланган йигирма кунлик муддатига риоя қилган-қилмаганлигини текшираётганда, бу муддат ФПКнинг 127-моддасига мувофиқ ҳал қилув қарори чиқарилган куннинг эртасидан бошланишини инобатга олиши зарур.⁹¹ Протест келтириш муддатини ҳисоблашдаги бу икки хил ёндашувга ва ўзаро номувофиқликка барҳам берилиши лозим ва протест келтириш муддати ҳал қилув қарори чиқарилган куннинг эртасидан бошланиши ҳақидаги тушунтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 19-сон Қарорининг 20-бандида ўз ифодасини топишини таъминлаш таклиф қилинади.

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 19-сон Қарори // “Норма” АКТ.

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги 2004 йил 21 майдаги 5-сонли Қарори // “Норма” АКТ.

Апелляция протестлари апелляция инстанцияси номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади. Апелляция протести судга ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилади. Судья, зарур ҳолларда, апелляция протести келтирган прокурор зиммасига апелляция протестига илова қилинган ёзма ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда топшириш мажбуриятини юклаши мумкин (ФПКнинг 322-моддаси).

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида апелляция протестининг мазмунига тааллуқли талаблар назарда тутилган бўлиб, унга кўра, протестда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) протест келтириляётган суднинг номи;
- 2) протест келтиряётган шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми);
- 3) протест келтириляётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) протест келтиряётган шахснинг илтимоси;
- 6) протестга илова қилинган ёзма материалларнинг рўйхати.

Агар апелляция протести келтириш пайтида ФПКнинг 322 ва 323-моддалари талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса, апелляция протести ҳаракатсиз қолдирилади.

Апелляция протестини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида судья бу протестнинг ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатиб ажрим чиқаради.

Протест келтирган шахс ажримда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатса, протест дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, протест берилмаган ҳисобланиб, протест келтирган шахсга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Апелляция протестининг камчиликларини тузатиш учун судья томонидан белгиланган муддат прокурорнинг протестга қўшиб қўйиш учун зарур маълумотномаларни, ҳужжатларнинг нусхалари ва бошқа ёзма далилларни олишининг реал имкониятини инобатга олган ҳолда тайинланган бўлиши лозим.

Апелляция протести бундай протест келтириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган ҳолларда, суд апелляция протестини қабул қилишни рад қилади ҳамда бу ҳақда ажрим чиқариб, рад қилишнинг сабабларини баён этади.

Мазкур ажрим ишнинг илгарилашига тўсқинлик қилганлиги сабабли, унинг устидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Апелляция протести билдирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли. Протест қайтариб олинган тақдирда, апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариб, апелляция тартибида иш юритишни тугатади (ФПКнинг 329-моддаси).

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. Ишнинг суд мажлисида кўрилишида, агар иш протест бўйича кўриб чиқилаётган бўлса, сўзга даставвал прокурор чиқади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан кейин прокурор ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисида фикрини баён қилади, бундан прокурорнинг протести бўйича қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорлари мустасно.

Прокурорнинг фуқаролик ишларининг кассация тартибида кўрилишидаги иштироки ҳам муҳим ҳисобланади. Прокурор қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида кассация тартибида протест келтириши мумкин (ФПКнинг 348¹-моддаси). Суд қарорларининг қонунийлигини апелляция тартибида текширишдан фарқли равишда ишни кассация тартибида кўраётганида суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация протестининг важлари ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Кассация инстанциясининг суд мажлиси ФПКнинг 14, 333–342-моддаларида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Прокурорнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида текшириш жараёнидаги ишти-

роки унинг суд қарорларини апелляция ва кассация тартибида кўришдаги иштирокидан жиддий фарқ қилади. Энг аввало, процессуал қонунчилик бу борада протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини чегаралайди. Хусусан, иш назорат тартибида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича қайта кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича иш назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин (ФПКнинг 349-моддаси).

Шу ўринда ФПКнинг 349 ва 354-моддалари ўртасида ўзаро номувофиқлик мавжудлиги кўзга ташланади. Хусусан, ФПКнинг 349-моддасига кўра, вилоят судлари раислари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган мансабдор шахслар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қарорларига ва ажримларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга. Бу – тўғри ваколат. Таассуфки, ФПКнинг 354-моддасида вилоят судларининг мазкур протестларни кўриб чиқиш ваколати назарда тутилмаган.

Фуқаролик процессуал қонунчиликдаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан келгусида амалга ошириладиган ишлар фуқаролик ишлари бўйича қонуний ва асослантилган қарорлар қабул қилиниши даражасини кўтаришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик процессида суд қарорларини қайта кўриш босқичида прокурор иштироки деярли барча давлатларнинг, хусусан, Франция, Германия, Испания, Италия, АҚШ, Япония каби ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибасида мавжуд. Ҳатто айрим давлатларда (Бразилия) прокурорнинг фуқаролик ишларида иштирок этиши ушбу институтнинг функцияларидан бири сифатида Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган.⁹²

Прокурорнинг кенг тарқалган ушбу ваколати ўз манфаатларини баъзида ўзлари ҳимоя қила олмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини суд қарорларининг қонунийлигини текшириш жараёнида ҳам таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида эътироф этилади. Бу ўринда гап, аввало, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган, ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлар, вояга етмаганлар, қариялар, муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар) ҳақида бормоқда. Прокурор фуқаролик ишларининг мазкур босқичида жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам киришади.

Италияда прокуратура вакиллари ҳар қандай фуқаролик ишини кассация судида кўриб чиқишда, фарзандлар ҳақидаги, шахсни муомала лаёқатига эга эмас деб топиш ҳақидаги ва судда кўрилаётган бошқа бир қатор ишларда иштирок этади.⁹³

Францияда прокурор, агар “жамият манфаатлари” талаб этса, ҳар қандай босқичдаги судларда расман иштирок этади. Прокуратура идоралари савдо трибуналининг мажлисларида иштирок этиш ва муҳокамага аралashiш ҳуқуқига ҳам эга. Бундай иштирокни прокурорнинг иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича махсус ёрдамчиси таъминлайди.

Кўпгина мамлакатларнинг процессуал қонун ҳужжатларида прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар назарда тутилган.

Кейинги ўн йил мобайнида хорижий давлатлар қонунчилигида прокурорларнинг номуайян доирадаги шахслар манфаатларини ҳимоя қилиб даъво кўзғатиш, экологик даъволар, давлат ва муниципалитет объектларининг гайриқонуний равишда

⁹² **Қаранг:** Constitution of Brazil <http://www.v-brazil.com/government/laws/titleIII.html>

⁹³ **Қаранг:** Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира: Справочник. – М.: 1993. – С. 111.

хусусийлаштирилганлиги билан боғлиқ даъволар, истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб берилган даъволарни қўзғатиш амалиёти анча кенгайди. Бу тоифадаги даъволарни қўзғатиш АҚШнинг бир қатор штатларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар ёрдамида бир вақтнинг ўзида ўн минглаб шахсларнинг талаблари қондирилади.

Жанубий Америка мамлакатларида, масалан, Бразилияда прокуратурага давлат ва жамоат мулкани, атроф-муҳитни ҳамда яқка шахслар ва жамоаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб фуқаровий даъволар қўзғатиш, шунингдек, судда ҳиндуларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатлари берилган.

Бир қатор ҳуқуқий тизимларда прокуратурага (унинг қабиладаги органларга) давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида алоҳида ўрин ажратилади. Бу гап, аввало, инглиз умумий ҳуқуқига кирувчи давлатларга тегишлидир. Уларда Бош атторнейга ҳукуматнинг барча ишларини юритувчи адвокат сифатида қаралади. АҚШда Олий суд кўриб чиқадиган низо-бахсларда ҳукуматнинг манфаатларини Адлия вазирлигида учинчи шахс бўлмиш Бош солиситор ҳимоя қилади. Бу лавозим 1870 йили барча вазирликларнинг ҳуқуқий бўлимлари Адлия департаменти раҳбарлигида бирлашиб, АҚШ ҳукуматининг марказлашган юридик хизматига айланган пайтда жорий этилган. Шундан буён у мамлакатнинг энг катта “юридик фирмаси” деб юритилади. Алоҳида муҳим ишларда Бош атторней Олий судда АҚШ ҳукуматининг манфаатларини ҳимоя қилади.⁹⁴

Испанияда прокуратура суд ҳокимияти таркибига кирази ва ўз функцияси ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосномалари асосида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда адлия органларига кўмаклашади. Шунингдек, прокуратура трибуналларнинг мустақиллигига риоя қилинаётганлигини кузатиб боради ва трибуналларда оммавий манфаатларнинг қаноатлантирилишига ҳаракат қилади.⁹⁵ Испаниянинг 1981 йилда

⁹⁴ **Қаранг:** Карпова Е. Модели прокуратуры в зарубежных странах // Закон и жизнь, № 3. 2012. – С. 52. <http://www.legeasiviata.in.ua/archive/2012/3/09.pdf>

⁹⁵ **Қаранг:** Особенности организации и деятельности прокуратуры в зарубежных странах // http://studme.org/1594102430378/pravo/osobennosti_organizatsii_deyatelnosti_prokuratury_zarubezhnyh_stranah

қабул қилинган Прокуратура органлари уставида прокуратуранинг қўйидаги асосий функциялари кўрсатиб ўтилган:

а) зарур бўлган ҳолларда фуқаролик ишларини қўзғатиш ёки улар бўйича қарши даъво бериш;

б) суд процессларида асосий конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликларга риоя қилинишини таъминлаш;

в) фуқаролик ҳолатига тааллуқли ва қонунда кўрсатилган бошқа суд процессларида қонунийликни, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун иштирок этиш.

Италия Республикасида ҳам прокурорлар қонунда кўрсатиб ўтилган фуқаролик ишларини кўриб чиқишда, кассация суди томонидан кўрилаётган барча ишларда иштирок этади.

Роман-герман ҳуқуқи тизими амал қиладиган мамлакатларда прокуратуранинг фуқаролик судида давлат вакили сифатида қатнашиши иккинчи даражали вазифа ҳисобланади. Шунга қарамай, айрим мамлакатларда давлат манфаатларини судда ҳимоя қилиш кўпинча ҳатто конституциявий даражада прокуратуранинг алоҳида, мустақил функцияси сифатида кўрсатилади (Мозамбик Конституциясининг 179-моддаси, Португалия Конституциясининг 221-моддаси, Украина Конституциясининг 121-моддаси). Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига Арманистоннинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда алоҳида эътибор берилган. Ушбу Қонунга кўра, давлатнинг мулкый манфаатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, прокурорнинг ўзи ёхуд унинг талаби асосида давлатнинг тегишли ваколатли органи ёки мансабдор шахси судга даъво билан мурожаат этади.⁹⁶

Прокуратура фаолиятининг суд қарорларининг қонунийлигига прокурорларнинг муносабатидек муҳим йўналиши ҳозир айрим давлатларнинг қонун ҳужжатларида бевосита прокурор назоратининг мустақил тармоғи сифатида белгилаб қўйилган. Масалан, Молдовада прокуратура фуқаролик, жиноят ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларининг қонунга мувофиқлигини назорат қилиб боради. Туркменистоннинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда ҳам назоратнинг бошқа турлари қаторида суд қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш бевосита кўрсатиб ўтилган.

⁹⁶ Закон Республики Армения “О прокуратуре”. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1453&lang=rus>

Айни бир вақтда МДХга аъзо давлатларининг аксарияти қабул қилган Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида бу каби функция прокурор назоратининг йўналиши сифатида эмас, балки суд қарорлари, ҳукмлари ва ҳал қилув қарорлари юзасидан протест келтириш билан боғлиқ фаолиятнинг мустақил вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Жумладан, Арманистон Конституциясининг 103-моддаси⁹⁷ ва Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунлари талабларига кўра,⁹⁸ протест келтириш прокурорнинг давлат айбловини қувватлаш функцияси билан боғлиқ равишда амалга ошириладиган ваколатлардан бири, холос.

Баъзи давлатларнинг (Беларусь, Латвиянинг) қонун ҳужжатларида прокурор суднинг қонунга мос келмайдиган ёки асоссиз қарорлари юзасидан протест келтириши шарт эканлиги, бошқаларида (Қозоғистонда) эса, буни амалга ошириш ҳуқуқ эканлиги айтилади.

Умуман олганда, суд қарорларининг қонунийлигига муносабат билдириш учун прокурорга тегишли ваколатлар берилади. Прокурорнинг бундай ваколатларига, масалан, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори қонуний кучга кирган ишни текшириш учун талаб қилиб олиш ҳуқуқи, назорат тартибида протест келтиришдан иборат мутлақ ҳуқуқи кабилар киради. Прокурор, ўзи мазкур фуқаролик ишини кўриб чиқишда иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, суд қарорлари юзасидан протест келтириши мумкин.

Қонундаги ибораларда ҳам ўзига хос фарқларни кўриш мумкин: агар баъзи давлатларда прокурорлар суд қарорлари хусусида протест билдирса, бошқа давлатларда (худди процесснинг бошқа иштирокчилари каби) шикоят қилади. Шу муносабат билан МДХга аъзо давлатлар ва Болтиқбўйидаги бир қатор мамлакатларда прокурорнинг суд қарорлари қонунийлигини назорат қилиш функциясига оид атамаларнинг ҳам борган сари ўзгариб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Грузиянинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига кўра, прокурор суд

⁹⁷ Конституция Республики Армения. http://www.gov.am/u_files/file/Constitution/Constitution-hin.pdf

⁹⁸ Федеральный закон от 17.01.1992 N 2202-1 (ред. от 28.11.2015) “О прокуратуре Российской Федерации”. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/

қарори хусусида эндиликда протест эмас, балки шикоят қилади.⁹⁹

Прокурорнинг кассация ва назорат инстанцияси судларидаги иштирокига доир жиддий ўзгаришлар Россия Федерациясининг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, Россия Федерацияси ФПКга кўра, прокурор ўзи иштирок этган ишлар юзасидангина апелляция, кассация ва назорат тартибида тақдимнома киритиши мумкин (РФ ФПКнинг 320, 376 ва 391¹-моддалари).

Бошқа давлатлар қонунчилигида учрамайдиган ҳолатлардан бири Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 130-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, назорат протестини келтириш ваколатига эга бўлган прокурор, жисмоний шахсларнинг моддий аҳволидан келиб чиқиб, назорат шикоятини бериш жараёнида уларни давлат божини тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод этиш ҳуқуқига эга. Мамлакатимиз қонунчилигида мазкур ҳолатда давлат божини тўлашдан озод қилиш прокурор ваколатига берилмаган. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 110-моддасида белгиланишича, давлат божини тўлашдан озод қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Қолаверса, мазкур модданинг иккинчи қисмида айтиладики, фуқаронинг мулкӣ аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга суд ҳақлидир. Дарҳақиқат, ижтимоӣ ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд орқали ҳимояланишдек мамлакатимиз Конституциясининг 44-моддасида белгиланган ҳуқуқларини қўшимча равишда кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 110-моддасига назорат протестини келтириш ваколатига эга бўлган прокурор, фуқароларнинг мулкӣ аҳволидан келиб чиқиб, назорат протестини келтириш ҳақидаги аризани бериш жараёнида давлат божини тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлиши тўғрисидаги норманинг киритилиши, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

⁹⁹ Қаранг: Прокурорский надзор. // Под ред. О.А.Галустьяна и др. – Москва., 2006. – С. 343–361.

ХУЛОСА

1. Ишда иштирок этувчи шахсларни гуруҳларга ажратиш уларнинг, хусусан, прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асосларини ҳамда процесда тутган ҳуқуқий мақомини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу эса, чиқариладиган суд ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 33-моддасида фуқаролик ишининг ҳал этилишидан давлат, жамоат нуқтаи назаридан ва бошқа жиҳатдан манфаатдор шахслар рўйхатини бериш ва ушбу гуруҳга прокурор, давлат бошқарув органлари, юридик шахслар ва фуқароларни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органлари ва бошқа органларни киритиш таклиф қилинади.

2. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси мазмунига нисбатан қўйилган талабларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида алоҳида моддада ифодалаш мақсадида Кодексни қуйидаги мазмундаги модда билан тўлдириш таклиф қилинади:

“276¹-модда. Прокурор аризасининг мазмуни

Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризасида мазкур Кодекснинг 149-моддасида кўрсатилган талаблардан ташқари ғайриқонуний деб топилиши сўралаётган ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган давлат бошқарув органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ёки мансабдор шахсларнинг номи, ҳуқуқий ҳужжатнинг номланиши ва ҳужжат қабул қилинган сана; ушбу ҳужжат билан фуқароларнинг ёки бошқа шахсларнинг айнан қайси ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги кўрсатилиши керак. Ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризага ғайриқонуний деб топилиши сўралаётган ҳужжатнинг нусхаси, агар ушбу ҳужжат чоп этилган бўлса, қайси оммавий ахборот воситасида ва қачон чоп этилганлигига оид маълумотлар илова қилиниши керак.”

3. Фикримизча, фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида прокурор ваколатларининг тартибга солиниши моддий ҳуқуқий муносабат субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясига эътиборсиз муносабатда бўлишларининг олдини олади, фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга мансабдор шахснинг ўринсиз аралашувига чек қўяди. Зеро, қонунда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан ўзи суд орқали ҳимоя қилиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, айрим фуқаролар прокурор орқали фуқаролик ишларини қўзғатишда бошқа мақсадларни, хусусан, суд харажатларини тўламаслик, суд муҳокамасида прокурорнинг обрўсидан фойдаланиш кабиларни кўзлашлари ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам прокурорнинг бошқа шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган ҳолатлардагина судга мурожаат қилишга ваколатли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бирок айрим хорижий давлатларнинг ўрганилган фуқаролик процессуал қонунчилиги фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг судга мурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини чеклаш баробарида фуқароларнинг айрим ижтимоий соҳадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилишига имкониятлар яратилмоқда. Шундай экан, хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини эътиборга олган ҳолда ҳамда жамиятимизда турли хил ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши натижасида судларга келиб тушаётган мурожаатлар кўпчиликини ташкил этишини, қолаверса, фуқаролик процессида бепул юридик ёрдам кўрсатиш институтининг мавжуд эмаслигини, шунингдек кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, прокурор фуқароларнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини *(меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ва бевосита шу билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган ижтимоий ҳуқуқларни; оилани, оналик ва болаликни; ижтимоий ҳимоя, шу жумладан, ижтимоий таъминотни, давлат ва хусусий уй-жой фондларида фуқароларнинг турад жойга бўлган ҳуқуқларини; соғлиқни сақлаш;*

қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқ; таълим олишга бўлган ҳуқуқни) ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаблар билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлишини қонун ҳужжатларида мустақамлаб қўйиш таклиф қилинади.

4. Прокурорнинг фикрига ҳуқуқий мақом бериш, яъни унда қандай масалалар кўрсатилиши, уни судга тақдим этиш шакли, тартиби ва оқибатлари тўғрисидаги нормани қонунчилик даражасида белгилаб қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига янги 199¹-моддани киритиб, уни қўйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади:

“199¹-модда. Прокурор фикрининг мазмуни

Прокурорнинг ишининг моҳияти бўйича берадиган ёзма фикри қўйидагиларни ўз ичига қамраб олиши керак:

фуқаролик ишининг ҳақиқий ҳолати ва қисқача мазмуни;

тарафларнинг даъвоси ва эътирозлари, учинчи шахслар ҳамда процесс бошқа иштирокчиларининг тушунтиришлари ва кўрсатмаларига нисбатан хусусий баҳо;

иш бўйича қонун талабларининг батафсил мазмуни;

қонун, прокурорнинг ўз ички ишончи ҳамда зарурати бўлганда ахлоқий меъёрлар талаблари асосида асослангилган хулоса.”

5. Мамлакатимизнинг фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида суд мажлисидаги тартиб прокурор томонидан бузилган тақдирда, суд прокурорни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа прокурор билан алмаштириш чорасини кўришини назарда тутати. Бироқ қонунчиликда судьянинг ишни кўришда иштирок этаётган прокурорни бошқаси билан алмаштириш чорасини кўриш тартиби ва механизми мавжуд эмас. Шундай экан, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддаси учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:

“Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлангиларилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига такрор

итоат этмасалар, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилади ва айни бир вақтда суд хусусий ажрим чиқариб, бу ажримни тегишинча юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборади.”

6. Мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасида прокурор “бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга” деб кўрсатилган бўлиб, бунда ишни кўришнинг боши тушунчасини аниқлаштириш, шу модданинг рус тилидаги матнидаги “с начала разбирательства” деган талқин билан тенглик ва ҳамоҳангликни таъминлаш мақсадида мазкур модданинг биринчи қисмини қўйидагича баён этиш лозим:

“Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда суд муҳокамасининг бошланишидан иштирок этиш ҳуқуқига эга”.

7. Фуқаролик процессуал кодексининг судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатларига бағишланган 160-моддасининг биринчи қисми 3-банди матнидан “ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиши” деган таърифни чиқариб ташлаш таклиф қилинади. Зотан, қонунда ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги масаланинг қонунда аниқ ечими мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 2015 йил 17 ноябрдаги 124-сонли буйруғида прокурор иштирок этиши лозим бўлган ишлар рўйхати келтирилган. Бундан ташқари, қайси фуқаролик ишларида иштирок этиши лозимлигини ҳар бир прокурорнинг ўзи ҳал қилмоғи даркор. Прокурорнинг суд процессида қонунда аниқ кўрсатилганидан бошқа ҳолларда иштирок этиши масаласини судья томонидан ҳал этилиши прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда ваколатларини таъминлаш қайсидир маънода чекланишига олиб келади.

8. Фуқаролик процессуал кодексининг “Прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деб номланган 47-моддаси иккинчи қисмида “Агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтиришга ҳақли эмас” деб белгиланган. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам прокурор қонуний қарор қабул қилиниши тарафдори бўлганлиги учун, агар иш ҳолати жавобгар манфаатларини ҳимоя қилишни талаб этса, жавобгар манфаатлари учун прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтиришга мажбур бўлади. Шунга кўра, Фуқаролик процессуал кодексининг 47-моддаси иккинчи қисмини қуйидагича баён этиш, бизнингча, тўғрироқ бўлар эди:

“Агар қонун ёки иш ҳолати талаб қилса, прокурор даъвогарнинг розилигидан қатъи назар, қонуний асослан-тирган ҳолда, ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёхуд камайтиришга ҳақли”.

9. Суднинг ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 320-моддасида назарда тутилган апелляция протести келтириш муддати мазкур қарор чиққан кундан эътиборан ҳисобланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 19-сон Қарорининг 20-бандида тушунтириш берилган. Бирок Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги 2004 йил 21 майдаги 5-сонли Қарорининг 4-бандида тушунтирилишича, судлар апелляция шикоят (протести) берган шахс апелляция шикоят беришнинг (протести келтиришнинг) Фуқаролик процессуал кодексининг 320-моддасида белгиланган йигирма кунлик муддатига риоя қилган-қилмаганлигини текшираётганда, бу муддат Фуқаролик процессуал кодексининг 127-моддасига мувофиқ ҳал қилув қарори чиқарилган куннинг эртасидан бошланишини инобатга олиши зарур. Протест келтириш муддатини ҳисоблашдаги бу икки хил ёндашувга ва

ўзаро номувофиқликка барҳам берилмоғи лозим ва протест келтириш муддати ҳал қилув қарори чиқарилган куннинг эртасидан бошланиши ҳақидаги тушунтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 19-сон Қарорининг 20-бандида ўз ифодасини топишини таъминлаш таклиф қилинади.

10. Фуқаролик процессуал кодексининг 349 ва 354-моддалари ўртасида ўзаро номувофиқлик мавжудлиги кўзга ташланади. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 349-моддасига кўра вилоят судлари раислари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган мансабдор шахслар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қарорларига ва ажримларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга. Бу – тўғри ваколат. Бироқ Фуқаролик процессуал кодексининг 354-моддасида вилоят судларининг мазкур протестларни кўриб чиқиш ваколати назарда тутилмаган.

Фуқаролик процессуал қонунчиликдаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан келгусида амалга ошириладиган ишлар фуқаролик ишлари бўйича қонуний ва асослантилган қарорлар қабул қилиниши даражасини кўтаришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

II. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИГА ДОИР ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУН НОРМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛИ¹⁰⁰

1-ЖАДВАЛ
(Ўзбек тилида)

т/р	Мамлакат	Нормалар
1.	Ўзбекистон	<p style="text-align: center;">ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ</p> <p style="text-align: center;"><i>Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1997 й. 477–I-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 30.08.1997 йилдаги 477–I-сон Қарорига мувофиқ 01.01.1998 йилдан амалга киритилган.</i></p> <p style="text-align: center;">(Кўчирма)</p> <p style="text-align: center;">5-модда. Судда фуқаролик иши кўзгатиш</p> <p>Суд фуқаролик ишини қуйидаги ҳолларда кўзгатади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича; 2) прокурор*нинг аризаси бўйича; 3) агар давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича.

¹⁰⁰ Хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигининг процессда прокурор иштирокига оид нормалари муаллифлар томонидан таржима қилинганлигини ва у расмий таржима эмаслигини эслатиб ўтамиз.

* Бу ва кейинги ўринлардаги қорайтма таъкид – муаллифларники.

		<p>19-модда. Суднинг хусусий ажрими (қарори)</p> <p>Суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансбдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ва мансбдор шахсларга юборади, бу шахслар ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хабар қилишлари шарт. Бундай хабар хусусий ажримнинг (қарорнинг) нусхаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида маълум қилиниши лозим.</p> <p>Агар суд фуқаролик ишини кўраётганида тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини кўзгагиш тўғрисидаги масалани хал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда <i>прокурор</i>га хабар қилади.</p> <p>Биринчи инстанция судининг хусусий ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.</p> <p>21-модда. Баённоманинг мазмуни</p> <p>Суд мажлисининг баённомасида ишни кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши лозим. Суд мажлисининг баённомасида, хусусан, қуйидагилар кўрсатилади:</p> <p>12) суд музокараларининг мазмуни ва <i>прокурор</i>нинг фикри;</p> <p>24-модда. Йўқолган суд ишини тиклаш</p> <p>Фуқаролик иши бўйича йўқолган суд ишини суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг, <i>прокурор</i>нинг аризасига, шунингдек ўз ташаббусига биноан тиклаши мумкин.</p> <p>25-модда. Судьяни рад қилиш асослари</p> <p>Қуйидаги ҳолларда судьянинг ишни кўриши мумкин бўлмайди ва у рад қилинади, агар:</p> <p>1) ишнинг пировард натижасидан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;</p>
--	--	---

2) шу иш илгари кўрилганида гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, вакил, **прокурор**, суд мажлисининг котиби сифатида қатнашган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

Бир-бирига қариндош шахслар суд таркибига кириши мумкин эмас.

26-модда. Прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котиби-ни рад қилиш асослари

(биринчи қисм) Ушбу Кодекснинг 25-моддаси 1 ва 3-бандларида кўрсатилган рад қилиш асослари **прокурор**, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котибига нисбатан ҳам қўлланилади.

33-модда. Ишда иштирок этувчи шахслар

Тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процесда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган **прокурор**, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади.

45-модда. Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар

(биринчи қисм) Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этадиган бўлса, суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга киришишлари мумкин. Шунингдек улар тарафларнинг, **прокурор**нинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномаси бўйича ёки суднинг ташаббуси билан ишда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин.

		<p>46-модда. Процессда прокурорнинг иштироки</p> <p><i>Прокурор</i> бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек <i>прокурор</i> бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда <i>прокурор</i>нинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда фуқаролик ишини кўришда, шунингдек <i>прокурор</i>нинг аризаси билан кўзғатилган ишларда <i>прокурор</i> иштирок этиши шарт.</p> <p>47-модда. Прокурорнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари</p> <p><i>Прокурор</i> ушбу Кодекснинг 34-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади ҳамда бундан ташқари, берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори юзасидан протест келтириш ҳуқуқига эга.</p> <p>Агар даъвогар рози бўлмаса, <i>прокурор</i> ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайитиришга ҳақли эмас.</p> <p><i>Прокурор</i>нинг бошқа шахснинг ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган ўз аризасидан воз кечиши, бу шахсни суддан ушбу Кодекс 104-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.</p>
--	--	--

55-модда. Судда вакиллик қилиши мумкин бўлмаган шахслар

Қуйидагилар судда вакиллик қилиши мумкин эмас:

- 1) вояга етмаган шахслар;
- 2) васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар;
- 3) судьялар, **прокурор**лар, терговчилар, суриштирувчилар – улар қонуний вакил (ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) сифатида, шунингдек, тегишли суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органининг вакили сифатида қатнашган ҳоллар бундан мустасно.

149-модда. Аризанинг мазмуни

(*учинчи қисм*) Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **прокурор**, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, шу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

160-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- ...
- 3) ишда **прокурор**нинг иштирок этиши тўғрисидаги ва тегишли давлат бошқаруви органини суд процессида қатнашишга жалб этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади;
 - 4) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган ташкилот ёки фуқаронинг иш якунидан манфаатдорлигини аниқласа, уларга, шунингдек **прокурор**га юритилаётган ишни ва уни кўриш вақтини маълум қилади;

...

		<p>166-модда. Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан кўриладиган чоралар</p> <p>(<i>учинчи қисм</i>) Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантирилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмасалар, агар уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилиши мумкин. Айни бир вақтда суд хусусий ажрим чиқаради, ушбу ажрим тегишинча юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборилади.</p> <p>190-модда. Ҳужжатнинг қалбакилиги тўғрисидаги аризани текшириш</p> <p>(<i>иккинчи қисм</i>) Агар суд ҳужжат қалбаки деган хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқаради. Зарур ҳолларда суд материалларни прокурорга юборади.</p> <p>198-модда. Суд музокаралари</p> <p>(<i>Тўртинчи қисм</i>) Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган прокурор, шунингдек давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар суд музокараларида биринчи бўлиб сўзлайдилар.</p> <p>199-модда. Прокурорнинг фикри</p> <p>Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар бундан мустасно.</p>
--	--	--

217-модда. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши

(*учинчи қисм*) Агар иш судда ушбу Кодекснинг 5-моддасида назарда тутилган тартибда **прокурор** ёки давлат бошқаруви органи, ташкилот ёки айрим фуқаролар томонидан бошланган бўлса, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори иш кимнинг манфаатини кўзлаб кўзғатилган бўлса, ана шу шахс учун мажбуридир.

29-БОБ. ПРОКУРОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАСИ

276-модда. Прокурорнинг ариза бериши

Прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

*Прокурор*нинг судга ариза бериши иш судда кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди.

277-модда. Прокурорнинг аризасини кўриб чиқиш

*Прокурор*нинг аризасини суд йигирма кун ичида унинг иштирокида ва протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёхуд протестни кўриб чиқмаган органнинг раҳбари ёки унинг вакили иштирокида кўриб чиқади.

Суд мажлисига орган раҳбари ёки унинг вакили узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги *прокурор*нинг аризасини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди, бироқ суд бу шахснинг келишини шарт деб топиши мумкин.

278-модда. Прокурорнинг аризаси бўйича суднинг ҳал қилув қарори

Суд *прокурор*нинг аризаси асосли эканлигини аниқласа, аризани қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради ва ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топади.

		<p>Агар суд протест келтирилган хужжат уни чиқарган органнинг ваколатлари доирасида қонунга мувофиқ қабул қилинган деб топса, у аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.</p> <p>Прокурорнинг ҳуқуқий хужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича суднинг ҳал қилув қарори протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёхуд протестни кўриб чиқмаган орган раҳбарига ва прокурорга имзо қўйдириб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.</p> <p>281-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш</p> <p>(<i>иккинчи қисм</i>) Аризачи (даъвогар), ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс, прокурор, давлат бошқаруви органлари алоҳида тартибда юритиладиган ишда иштирок этувчи шахслар деб эътироф этилади.</p> <p>285⁵-модда. Ишни кўриш</p> <p>(<i>Биринчи қисм</i>) Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек прокурор албатта иштирок этган ҳолда кўриб чиқади.</p> <p>288-модда. Ишни кўришда прокурорнинг иштироки</p> <p>Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар албатта прокурорнинг иштирокида кўрилади.</p> <p>291-модда. Ариза бериш</p> <p>(<i>биринчи қисм</i>) Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий</p>
--	--	---

касаллиги ёхуд ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги иш унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, **прокурор**, даволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда жамоат бирлашмалари берган аризалар бўйича қўзғатилиши мумкин.

294-модда. Ишни кўриш

Суд фуқарони муомалага лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишни албатта шу фуқаронинг (жавобгарнинг), **прокурор** ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўради. Агар фуқаро (жавобгар) суд мажлисига келмаса, ушбу Кодекс 261-моддасининг қоидалари қўлланади.

Суд фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни **прокурор** ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўради. Иши кўрилаётган фуқаронинг соғлиғи имкон берса, у суд мажлисига чақирилади.

297²-модда. Аризани кўриб чиқиш

(*биринчи қисм*) Шахсни психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза суд томонидан ўн кунлик муддат ичида стационарга ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили ва стационарга ётқизишнинг асослилиги тўғрисида хулоса берган комиссия таркибидаги шифокор психиатр, **прокурор**, шунингдек шахс ётган психиатрия муассасаси вакили иштирокида кўриб чиқилади.

297⁶-модда. Ишни кўриш

(*биринчи қисм*) Сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайририхтиёрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги иш сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайририхтиёрий тартибда ётқизиш ҳақида ёки унинг

		<p>ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисида ариза берилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда мазкур шахс диспансер ҳисобида турган ёхуд даволанаётган сил касаллигига қарши кураш муассасасининг вакили – тиббий комиссияси аъзоси, сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахснинг вакили, шунингдек прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади. Сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган, иши судда кўриб чиқиляётган шахс, агар унинг соғлиғи ҳолати имкон берса, суд мажлисига қақирилиши мумкин.</p> <p>310-модда. Суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқи</p> <p><i>(иккинчи қисм) Прокурор</i>, муайян ишда иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан ўз ваколати доирасида протест келтиради.</p> <p>315-модда. Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари ажримининг (қарорининг) мазмуни</p> <p>Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг ажрими ёки қарорида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:</p> <p>...</p> <p>б) шикоятда ёки протестда баён этилган вазлар, тақдим этилган материалларнинг қисқача мазмуни, ишни кўришда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри;</p> <p>...</p> <p>320-модда. Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) ҳуқуқи ва муддати</p> <p>Суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция тарти-</p>
--	--	--

бида шикоят бериши, **прокурор** протест келтириши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят (протест) кўрилмайди ва шикоят (протест) берган шахсга қайтарилади. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш масаласи ушбу Кодекснинг 130-моддаси қондалари асосида ҳал этилади.

322-модда. Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) тартиби

(*биринчи қисм*) Апелляция шикоятлари ва протестлари апелляция инстанцияси номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади.

(*учинчи қисм*) Апелляция шикояти ёки протести ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга тақдим этилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган апелляция шикояти ёки протести бундан мустасно.

(*тўртинчи қисм*) Зарур ҳолларда судья, апелляция шикояти берган шахс ёки апелляция протести келтирган **прокурор** зиммасига апелляция шикояти ёки протестига илова қилинган ёзма ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда топшириш мажбуриятини юклаши мумкин.

323-модда. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни

(*иккинчи қисм*) Апелляция шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Апелляция протести ушбу ишда иштирок этганлигидан қатъи назар, **прокурор** ёки унинг ўринбосари томонидан келтирилади ва имзоланади.

329-модда. Апелляция шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш

(*иккинчи қисм*) Апелляция протести билдирган **прокурор**, шунингдек юқори турувчи **прокурор** суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

335-модда. Суд таркибини эълон қилиш

		<p>ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш</p> <p>(<i>биринчи қисм</i>) Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, суд мажлисининг котиби, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар қатнашаётганлигини маълум қилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга рад қилиш ҳақида арз қилиш ҳуқуқларини тушунтиради.</p> <p>337-модда. Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари</p> <p>(<i>учинчи қисм</i>) Прокурор ёки адвокатнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги тўғрисида суд хусусий ажрим чиқаради ва бу ҳақда тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига маълум қилади.</p> <p>340-модда. Ишнинг суд мажлисида кўрилиши</p> <p>(<i>иккинчи қисм</i>) Даставвал, апелляция шикоятини берган шахс ва унинг вакили ёки агар иш протест бўйича кўриб чиқиляётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар икки тараф ҳам шикоят берган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзга чиқади.</p> <p>(<i>тўртинчи қисм</i>) Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан кейин прокурор ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисида фикрини баён қилади, прокурорнинг протести бўйича қайта кўриляётган ҳал қилув қарорлари бундан мустасно.</p> <p>342-модда. Ажрим чиқариш</p> <p>(<i>биринчи қисм</i>) Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри тинглаб бўлинганидан кейин апелляция инстанцияси суди ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага чиқади.</p> <p>348¹-модда. Кассация шикояти бериш</p>
--	--	---

(протести келтириш) ҳуқуқи ва муддати

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар кассация тартибида шикоят бериши ва *прокурор* протест келтириши мумкин.

348³-модда. Кассация шикояти бериш (протести келтириш) тартиби

(*тўртинчи қисм*) Судья, зарур ҳолларда, кассация шикояти берган шахс ёки кассация протести келтирган *прокурор* зиммасига кассация шикояти ёки протестига илова қилинган ёзма материалларнинг нусхаларини ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда тақдим этиш мажбуриятини юклаши мумкин.

348⁴-модда. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни

(*иккинчи қисм*) Кассация шикоятини шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили имзолайди. Кассация протести, ушбу ишда қатнашганлигидан қатъи назар, *прокурор* ёки унинг ўринбосари томонидан келтирилади ва имзоланади.

348¹⁰-модда. Кассация шикоятини (протестини) тўлдириш, ўзгартириш, шикоятдан воз кечиш ва протестни қайтариб олиш

(*иккинчи қисм*) Кассация протести келтирган *прокурор*, шунингдек юқори турувчи *прокурор* суд мажлиси бошлангунига қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

348¹⁶-модда. Биринчи инстанция суди-

		<p>нинг ажримлари устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқи</p> <p>(<i>биринчи қисм</i>) Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилмаган ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида ҳолда кассация инстанцияси судига суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.</p> <p>349-модда. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар</p> <p>Ўзбекистон Республикаси барча судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қуйидагилар келтирган протестлар бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин:</p> <p>(<i>учинчи хатбоши</i>) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;</p> <p>(<i>бешинчи хатбоши</i>) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича.</p> <p>350-модда. Протест келтириш тўғрисида</p>
--	--	--

ариза бериш

(*биринчи қисм*) Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза тегишли юқори суднинг раисига ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган **прокурорга** берилади.

(*олтинчи қисм*) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси протест келтиришни рад қилганлиги устидан аризачи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосарларига шикоят бериши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси **прокурори**, вилоят, Тошкент шаҳар **прокурори** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий **прокурори** протест келтиришни рад қилганлиги устидан Ўзбекистон Республикаси **Бош прокурори** ва унинг ўринбосарларига шикоят бериш мумкин.

351-модда. Ишни талаб қилиб олиш

Ушбу Кодекснинг 349-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар, шунингдек туман ва шаҳар **прокурорлари** назорат тартибида протест келтиришга асос бор-йўқлиги масаласини ҳал қилиш учун ўз ваколатлари доирасида тегишли судлардан фуқаролик ишларини талаб қилиб олишга ҳақлидирлар. Башарти, ишни талаб қилиб олган шахс муайян ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорга нисбатан протест келтириш ҳуқуқига эга бўлмаса, у зарур ҳолларда, протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган юқори мансабдор шахсга назорат тартибида протест келтиришни тавсия қилиб мурожаат этади.

352-модда. Суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш

Назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган **прокурор** ва унинг ўринбосарларидан ташқари мансабдор шахслар тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамом бўлгунига қадар тўхтатиб туришлари мумкин, ушбу Кодекснинг 219-моддасида назарда тутилган ҳоллар бун-

		<p>дан мустасно. Протест келтириш учун асос бўлмаган тақдирда, шу мансабдор шахслар тегишли хал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб туришни бекор қиладилар. Тўхтатиб туриш ва тўхтатиб туришни бекор қилиш ҳақида манфаатдор шахсларга, ташкилотларга ва судга маълум қилинади.</p> <p>356-модда. Протестни тўлдириш, ўзгартириш ва қайтариб олиш</p> <p>Назорат тартибида протест келтирган мансабдор шахс протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.</p> <p><i>Прокурор</i> келтирган протестни юқори турувчи <i>прокурор</i> ҳам тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.</p> <p>Протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунига қадаргина йўл қўйилади. Протест тўлдирилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки қайтариб олинганлиги ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинадилар.</p> <p>359-модда. Ишни назорат тартибида кўришда прокурорнинг иштироки</p> <p>Ишни назорат тартибида кўришда <i>прокурор</i> қатнашиб, ўзи ёки юқори турувчи <i>прокурор</i> келтирган протестни қувватлайди ёхуд суд раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўриладиган иш юзасидан ўз фикрини беради.</p> <p>364-модда. Ариза бериш</p> <p>Янги очилган ҳолатлар бўйича хал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этган шахслар ёки <i>прокурор</i> томонидан хал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни чиқарган судга берилади. Ишда иштирок этувчи шахслар бундай аризани хал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида беришлари мумкин.</p>
--	--	--

2.	Россия Федерацияси	<p style="text-align: center;">РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ</p> <p style="text-align: center;"><i>2002 йил 23 октябрда Давлат Думаси томонидан қабул қилинган 2002 йил 30 октябрда Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган</i></p> <p style="text-align: center;">(Кўчирма)</p> <p>18-модда. Прокурор, суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимонни рад қилиш асослари</p> <p>1. Ушбу Кодекснинг 16-моддасида кўрсатилган рад қилиш асослари прокурор, суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимонга нисбатан ҳам қўлланилади.</p> <p>Эксперт ёки мутахассис ишда иштирок этувчи шахсларга, уларнинг вакилларига хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса, ишнинг кўрилишида иштирок этиши мумкин эмас.</p> <p>2. Прокурор, суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон аввал шу ишнинг кўрилишида прокурор, суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон сифатида иштирок этганлиги уларни рад қилиш учун асос бўлмайди.</p> <p>45-модда. Ишда прокурор иштироки</p> <p>1. Прокурор фуқароларнинг, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, номуайян шахслар доирасини ёки Россия Федерациясининг, Россия Федерацияси субъектларининг, муниципал тузилмаларининг манфаатларини ҳимоя қилиб судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси учун судга ариза прокурор томонидан фақат фуқаронинг соғлиғи, ёши, муомалага лаёқатсизлиги ва бошқа узрли сабабларга кўра ўзи мурожаат эта олмайдиган ҳолатларда берилиши мумкин. Мазкур чеклов фуқаролар томонидан меҳнат (хизмат) муносабатлари ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа муносабатлар соҳасида бузилган ва низолашилаётган ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; оилани, оналикни, оталикни ва болаликни</p>
----	--------------------	--

Боланинг ҳаёти ва соғлиғи бевосита хавф остида қолганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатига асосан амалга оширилади.

Бола олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда **прокурор**га хабар бериши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи болани олиш тўғрисида ҳужжат қабул қилганидан кейин етти кун ичида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

170-модда. Фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Фарзандликка олинганнинг ота-онаси, **прокурор**, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола фарзандликка олишни суд тартибда бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ

*(Ўзбекистон Республикасининг 24.12.1998 йилдаги
713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган, 01.04.1999 йилдан
амалга киритилган)*

70-модда. Турар жойдан кўчириш

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги эгаллаб турилган турар жойдан кўчиришга ушбу Кодексда белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади.

Кўчириш суд тартибда амалга оширилади.

Турар жойларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахслар **прокурор** санкцияси асосида маъмурий тартибда кўчириладилар.

Маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги **прокурор** қарори устидан суд тартибда шикоят қилиниши мумкин.

71-модда. Фуқароларга бошқа обод турар жой берган ҳолда кўчириш

Фуқароларга бошқа обод турар жой берган ҳолда улар муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойлардан қуйидаги ҳолларда кўчирилади:

агар турар жой жойлашган уй бузилиши керак бўлса;

турар жой белгиланган тартибда авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса;

турар жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилаётган бўлса.

Турар жойлар жойлашган муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйи давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратилиши муносабати билан бузилиши керак бўлса ёхуд турар жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлса, ушбу турар жойдан кўчириладиган фуқароларга бошқа обод турар

жой берилади ва бу турар жой ер участкаси ажратилаётган ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлган турар жой берилаётган корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан берилади.

Агар турар жой авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса, ушбу турар жойдан кўчириладиган фуқароларга маҳаллий давлат ҳокимияти органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа обод турар жой беради.

Кўчирилиши муносабати билан фуқароларга берилаётган бошқа обод турар жой ушбу Кодекснинг 9-моддасида белгиланган турар жойларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бериши, шу аҳоли пункти чегараси доирасида бўлиши ва майдони илгари эгаллаб турилган майдондан кичик бўлмаслиги керак.

Агар ижарага олувчи алоҳида квартирани ёки биттадан ортиқ хонани эгаллаб турган бўлса, унга тегишлигича алоҳида квартира ёхуд худди шунча хонали турар жой берилиши лозим.

Агар ижарага олувчи ортиқча уй-жой майдонига эга бўлган бўлса, турар жой бир киши ҳисобига уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормасидан кам бўлмаган ҳажмда, қўшимча уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга бўлган ва амалда ундан фойдаланиб келган ижарага олувчига ёки унинг оила аъзоларига – қўшимча уй-жой майдони нормаси ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Кўчириладиган шахсга берилаётган турар жой ижарага олувчини кўчириш тўғрисидаги суд қароридан, маъмурий тартибда кўчириладиганда эса, *прокурор* қароридан кўрсатилган бўлиши шарт.

**V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН
КЎЧИРМАЛАР**

**ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАРГА ЭГАЛИК
ҚИЛИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ
ТАСАРРУФ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР
БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
1997 йил 2 майдаги 3-сонли қарори (1998 йил 11 сентябрдаги
Пленумда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)*

10. Хусусийлаштиришни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан турар жойнинг хусусийлаштирилиши натижасида ҳуқуқи бузилган шахслар, ҳокимиятлар, ташкилотлар, Давлат мулкани бошқариш қўмитасининг турар жой масалалари бўйича бўлимларининг ҳудудий органлари ва **прокурор** муружаат қилишга ҳақлидирлар.

СУДЛАР ТОМОНИДАН МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТИ)НИ БЕКОР ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори*

2. Ишга тиклаш ҳақидаги низо бўйича ариза ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида бевосита судга берилади.

МКнинг 270-моддасида белгиланган муддатлар **прокурор**, касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан бериладиган даъволарга нисбатан ҳам татиб қилинади.

41. МК 106-моддасининг 2-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишликка, қонунларга асосан шу ишни илгари бажариб келган ходимни ишга тиклашга иш берувчининг мажбурияти ҳисобланган ҳолларда йўл қўйилади. Бундай ҳолларга қуйидагилар киради:

- меҳнат шартномаси ғайриқонуний бекор қилинган ходимни, суднинг ҳал қилув қарори, юқори турувчи орган, иш берувчи ўзининг қарори, шунингдек меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя қилиш устидан назорат олиб борувчи органлар талаби (масалан, **прокурор** протести, меҳнат инспектори ёзишмаси) бўйича аввалги ишига тиклаш;

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ БУЗАДИГАН ХАТТИ- ҲАРАКАТЛАР ВА ҚАРОРЛАР УСТИДАН КЕЛТИРИЛГАН ШИКОЯТЛАРНИ СУДЛАРДА КЎРИШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
1996 йил 19 июлдаги 18-сонли қарори (1998 йил 11 сентябрдаги
Пленумда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)*

2. Органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби дейилганда тегишли қонун билан ўрнатилган махсус тартибни тушунмоқ лозим.

Суд, судья, **прокурор**, терговчи, суриштирувчи, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришга ваколатли бўлган органлар учун Жиноят-процессуал ва Фуқаролик процессуал қонунда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунда судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган.

7. (биринчи ва иккинчи қисмлар) Фуқаро ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган деб ҳисобласа ҳамда қонунларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, шикоят билан ўз хоҳишига кўра бевосита судга ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Фуқаронинг ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳақида дастлаб юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга мурожаат қилмаганлиги, шикоятни суд томонидан қабул қилмаслик учун асос бўлмайдди.

Шикоят ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузилган деб ҳисоблаган фуқаронинг ўзи ёки унинг вакили томонидан ҳам, шунингдек, фуқаронинг илтимосига кўра, жамоат ташкилоти, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили томонидан ҳам берилиши мумкин. ФПКнинг 46-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш талаб қилинганда **прокурор** ҳам тегишли ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

17. Ишларни кўриш чоғида давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахслар фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланса, бу камчиликларни бартараф этиш учун хусусий ажримлар чиқариб, жойларга юбориш, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, бу ҳақда **прокурор**га хабар юбориши шарт эканлигига судларнинг алоҳида эътибори қаратилсин (ФПКнинг 19-моддаси).

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚОНУНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли қарори*

5. Оила кодексининг 73-моддасига мувофиқ, ота-оналар бошқа шахслар олдида болаларини шахсан тарбия қилишда устун ҳуқуққа эгадирлар ва болаларини қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Бу талабни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли. Шунингдек суд ота ёки онанинг боласининг тегишлича тарбиясини таъминлай олиш имкониятларини, ота ёки онанинг боласи билан ўзаро муносабатлари хусусиятларини, боланинг ўз ихтиёрида бўлган шахсларга қанчалик кўнгил қўйганлигини ва бошқа муайян ҳолатларни эътиборга олади. Агар ота-онанинг ҳам, бола ихтиёрларида бўлган шахсларнинг ҳам уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмасликлари аниқланса, суд васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки **прокурор**нинг даъвосига асосан болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига олиб беради. Бундай талаб қўйилмаган бўлса, суд ўзининг хусусий ажрими билан бу органларнинг эътиборини шундай даъво кўзғатиш зарурлигига қаратади.

9. *(биринчи қисм)* Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота(она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), **прокурор**нинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

13. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар *прокурор* ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқирилиши лозим.

Прокурор ёки васийлик ва ҳомийлик органи вакили судга келмаган тақдирда ишни кўриш бошқа вақтга қолдирилиши лозим.

21. Суд ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги масалани ота ёки она ота-оналик ҳуқуқидан суднинг фуқаролик ёки жиноят иши бўйича чиқарган қарорига биноан маҳрум қилинганлигига қарамасдан, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этади.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъво ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар ёки *прокурор* томонидан бола кимнинг қарамоғида эканлигига қараб, ота ёки онанинг иккинчисига ёинки васийга (ҳомийга) ёки болалар муассасасига нисбатан қўзғатилади. Бундай ишлар судлар томонидан васийлик ва ҳомийлик органлари вакилларининг ва *прокурор*нинг иштирокида кўрилиши лозим.

СУД АМАЛИЁТИДА ФУҚАРО ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
1992 йил 19 июндаги 5-сонли қарори (1997 йил 2 май
ва 1998 йил 11 сентябрдаги Пленумда киритилган
ўзгартириш ва қўшимчалар билан)*

7. ФКнинг 100-моддаси 2-қисмига асосан манфаатдор шахс шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини бадном қилувчи маълумотлар унинг вафот этган оила аъзолари ёки қариндошларига нисбатан тарқатилганда ҳам уларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига доғ туширувчи маълумотлар вояга етмаганлар ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб белгиланган шахсларга нисбатан тарқатилганда, уларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисида қонуний вакиллари (ота-оналари, болаликка олувчилари, васийлари), ҳомийлари ёки ФПКнинг 46-моддаси тартибда **прокурор** ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

СУДЛАР ТОМОНИДАН МУЛКНИ РЎЙХАТ (АРЕСТ)ДАН ЧИҚАРИШ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШДА ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
1993 йил 16 апрелдаги 13-сонли қарори (1997 йил 2 май,
1998 йил 11 сентябрь, 2002 йил 14 июнь ва 2012 йил 13 декабрдаги
Пленумда киритилган ўзгартиришлар билан)*

5. (биринчи ва иккинчи қисмлар) Мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъво мулкдор томонидан, шунингдек қарздорга тегишли бўлмаган мулкни қонун ёки шартномага кўра эгаллаган шахс томонидан ҳам қўзғатилиши мумкин.

Қарздор (маҳкум)нинг вояга етмаган фарзандларининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъволар қарздор бўлмаган (судланмаган) отаси ёки онаси ёки васий (ҳомий) ёхуд **прокурор** томонидан қўзғатилиши мумкин.

10. Агар суднинг ҳукмига кўра мулкнинг жиноий йўл билан топилган маблағ ҳисобига олинганлиги аниқланса, у ҳолда жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш эрхотиннинг биргаликдаги умумий мулкига ва фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги ҳамда деҳқон хонадонадаги мулкига қаратилиши мумкин.

Давлат ва жамият манфаатларига зид равишда қасддан содир этилган ҳаракатлар натижасида мулкни эгаллаш билан боғлиқ ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1023-моддасига асосланган даъво талабларини кўриш жараёнида қабул қилинган суднинг ҳал қилув қарорида ҳам аниқланиши мумкин.

Суд мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъвони кўриш жараёнида уни жиноий йўл билан қўлга киритилган маблағ эвазига олинганлиги ҳолатини аниқлашга ҳақлидир.

Агар молия идораси ёки **прокурор** томонидан мулкни давлат ва жамият манфаатларига зид равишда қилинган ҳаракатлар натижасида олинган деб топиш ва уни давлат фойдасига ўтказиш тўғрисида даъво қўзғатилган бўлса, у ҳолда суд томонидан ушбу иш мулкни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги даъво билан бирга қўшиб кўрилиши мумкин.

12. Жиноят иши мазмунан ҳал қилингунга қадар қарздор вафот этиши муносабати билан иш тугатилганда, судлар мулкни рўйхатдан чиқариш масаласини ҳал эта туриб, бу мулкнинг кимлар томонидан, қачон ва қайси маблағлар ҳисобига олинганлигини аниқлаши шарт.

Агар низоли мулк ғайриқонуний ёки давлат зарарига қилинган ҳаракатлар туфайли орттирилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1023-моддаси тартибида бу мулк **прокурор**, манфаатдор ташкилот ёки шахсларнинг даъвосига кўра давлат даромадига ёки етказилган зарарни ундириш ҳисобига ўтказилиши мумкин.

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШДА СУД АМАЛИЁТИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
1999 йил 24 сентябрдаги 16-сонли қарори*

25. Агар ишларни кўриш жараёнида тарафлар ёки бошқа шахслар хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланса, суд шу шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш масаласини муҳокама қилишга ва бу ҳақда ажрим чиқариб, уни ижро қилиш учун тегишли **прокурор**га юборишга ҳақли.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ, КАССАЦИЯ ВА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИШ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2001 йил 1 июндаги 4-сонли қарори*

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹ ва 348¹⁶-моддалари талабидан келиб чиққан ҳолда қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тегишли туман, вилоят **прокурорлари** ва уларга тенглаштирилган **прокурор**-лар томонидан кассация тартибида протест ёки хусусий протест киритилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида кўрсатилганидек, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмун жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 323-моддасига мувофиқ бўлиши билан бирга, унга суд ҳал қилув қарорининг нусхаси, апелляция ёки кассация ва назорат инстанцияси судлари ажрими, қарорининг нусхаси, апелляция ёки назорат тартибида протест келтириш рад этилганлиги ҳақидаги ваколатли шахснинг жавоб хати ҳамда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда тегишли юқори суд ёки **прокурор**га берилиши мумкин. Бу талабларга риоя қилинмаган тақдирда, назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 349-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан ариза ҳаракатсиз қолдирилиши, аризачига эса, камчиликларни бартараф этиш тартиби ва муддати тушунтирилиши зарур.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ АЙРИМ НОРМАЛАРИНИНГ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2003 йил 19 декабрдаги 19-сонли қарори*

5. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **прокурор**, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризалар, шунингдек **прокурор**нинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 149-моддаси талабларига жавоб бериши лозим.

20. *(биринчи қисм)* Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 320-моддасига мувофиқ суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари, **прокурор** протест келтириши мумкин.

25. *(биринчи қисм)* Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва **прокурор** томонидан протест келтирилиши мумкин.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИШ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2004 йил 21 майдаги 5-сонли қарори*

2. (биринчи қисм) Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан ФПКнинг 320, 322, 323 ва 346-моддаларида белгиланган муддатлар ва тартибда тарафлар ҳамда ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар апелляция тартибида шикоят бериши, **прокурор** эса протест келтириши мумкинлигини ҳисобга олиб, апелляция шикоятини (протестини) қабул қилиш масаласини ҳал этишда судлар апелляция тартибида иш юритишни кўзғатишнинг қонунда белгиланган шартлари ҳамда тартибига риоя қилинганлигини текшириб кўрмоғи керак. Хусусан, апелляция шикояти (протести) берган шахс апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқига эгаллиги ёки эга эмаслигини; устидан апелляция шикояти (протести) берилган ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган-кирмаганлигини ва мазкур ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини; апелляция шикояти (протести) мазмунига тааллуқли қонун талабларига риоя қилинган-қилинмаганлигини; апелляция шикояти бўйича давлат божи тўланган-тўланмаганлигини текшириши лозим.

БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2006 йил 3 февралдаги 4-сонли қарори*

4. Фуқаро соғлиғи, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, **прокурор** фуқаро манфаати юзасидан суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилсин. Бундай ҳолда, суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризага, арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлардан ташқари, фуқаронинг судга мурожаат қила олмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим.

СУД АМАЛИЁТИДА БИТИМЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли қарори*

11. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги бўйича низолашилганда, судлар исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги ФПКнинг 59-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб, иш бўйича тегишли (психологик) экспертиза тайинлаш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

Судлар юқорида қайд этилган асос бўйича низолашилаётган битимни муомалага лаёқатсиз фуқаро томонидан тузилган битимдан фарқлашлари лозим, бунда биринчи ҳолатдан фарқли равишда даъво муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг манфаатини кўзлаб унинг ҳомийси ёки **прокурор** томонидан қўзғатилиши мумкин.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИШДА СУДЛАР ТОМОНИДАН ДАЛИЛЛАРГА ОИД ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2007 йил 2 октябрдаги 11-сонли қарори*

29. Ҳужжатнинг қалбакилиги ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилган арзни текшириш учун суд тегишли экспертиза тайинлаши ёки унинг қалбакилигини аниқлаш учун бошқа далилларни талаб қилиб олиши мумкин. Агар суд ҳужжатнинг қалбаки эканлиги ҳақида хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқаради.

Агар ҳужжатнинг тўлиқ ёки бир қисми қалбакилиги аниқланган тақдирда, суд ФПКнинг 19-моддасига мувофиқ, бу ҳақда **прокурор**га хабар бериши шарт.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш жараёнида ҳужжатнинг қалбакилиги тўғрисида ариза берилган ҳолда, судлар мазкур масалани Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 2004 йил 21 майдаги 5-сонли қарорининг 20 ва 21-бандларида баён қилинган тушунтиришлардан келиб чиқиб ҳал қилиши лозим.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИ АЖРИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2012 йил 25 майдаги 7-сонли қарори*

3. Фуқаролик процессуал кодекси 237-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, биринчи инстанция суди мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал қилиш бўйича алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмаган ҳолда ажрим чиқариши мумкин. Бундай ажримлар, жумладан, учинчи шахслар, вакиллар, давлат бошқаруви органларини ишда иштирок этишга жалб қилиш ёки ишга кириши, **прокурор**нинг ишда иштироқи, гувоҳларни чақириш, бошқа далилларни чақириб олиш ёки ишга қўшиш, ишни кўришни кейинга қолдириш ёки давом эттириш, қарши даъвони қабул қилиш, далилларни текшириш тартибини белгилаш, далилларни жойида кўздан кечириш, ишни мазмунан кўриш тамом бўлганлигини эълон қилиш ва суд музокараларига ўтиш бўйича чиқарилиши мумкин.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги мазмунидан келиб чиққан ҳолда, суд ўз хоҳишига кўра, юқорида қайд этилган ҳар қандай масала бўйича алоҳида процессуал ҳужжат кўринишидаги ажрим чиқаришга ҳақли.

СУДЛАР ТОМОНИДАН ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли қарори*

6. (биринчи қисм) Судларга тушунтирилсинки, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек **прокурор** албатта иштирок этган ҳолда кўриб чиқилади.

32. (иккинчи қисм) Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан фарзандликка олинганнинг ота-онаси, **прокурор**, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола мурожаат қилишлари мумкин.

34. Судларнинг эътибори тарафлар ва бошқа шахслар ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳар бир ҳолат тўғрисида ФПКнинг 19-моддасига мувофиқ жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда **прокурор**га хабар қилиш лозимлигига қаратилсин.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган Адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида / Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон. 2002.

2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон. 2003.

3. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон. 2004.

4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон. 2005.

5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т.: Ўзбекистон. 2006. – 280 б.

6. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: Ўзбекистон. 2007. – 320 б.

7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон. 2007. – 34 б.

8. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир // Халқ сўзи. 2008. 9 февраль.

9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

10. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

11. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи

Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2014. 18 январь.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. 2014. 1 сентябрь.

13. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир // Халқ сўзи. 2015. 17 январь.

14. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, (2015 йил 23 январь) // Халқ сўзи. 2015. 24 январь.

II. Конституция ва қонунлар:

Конституция ва кодекслар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2016. – 356 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2016.

4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2016.

5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2016.

6. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2016.

7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2016.

8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2016.

Қонунлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) 162–II-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 2001 йил, 1–2-сон, 10-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги 257–II-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 2001 йил, 9–10-сон, 168-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258–II-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 2001 йил, 9–10-сон, 169-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 163–II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 2001 йил, 1–2-сон, 11-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221–I-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, 5–6-сон, 59-модда.

6. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси: (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т.: Ўзбекистон. 1986. – 226 б.

Қонун ости ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2000 йил 14 августдаги ПФ–2682-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 7–8-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 2 августдаги ПФ–4459-сонли Фармони // Халқ сўзи. 2012. 3 август сони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4570-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 йил, 42-сон, 556-модда.

Судга оид ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998: Икки жилдли. 1-жилд. // Таҳрир хайъати: У.Қ. Мингбоев (раҳбар) ва бошқ. – Т.: “Шарқ”, 1999. – 130 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991–2006. Иккинчи жилд. Расмий нашр. –Т.: “O‘qituvchi”, 2007. – Б. 262–263.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 19-сонли қарори // “NORMA” ахборот-хуқуқий тизими.

4. Умумий юрисдикция судларининг 2014 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. – Тошкент, 2015.

5. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг 2015 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълум

мотлар тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 2016 йил.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги 2004 йил 21 майдаги 5-сон Қарори // “NORMA” ахборот-ҳуқуқий тизими.

Хорижий ва МДҲга аъзо давлатларнинг қонун ҳужжатлари:

1. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 № 138-ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 18.11.2002, № 46, ст. 4532.

2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

3. Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения от 7 августа 1998 года. (В редакции Законов Республики Армения от 3 июля, 24 октября 2000 г., 20 марта, 11 сентября, 6 ноября, 4 декабря 2001 г.) http://www.jguard.ru/images/attaches/230/GPK_Armenia.txt.

4. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, Акорда, 31 октября 2015 года. <http://www.online.zakon.kz>

5. Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. <http://www.azhumanrights.org/cgiin/ecms/vis/vis>.

6. Гражданский процессуальный закон Латвии. Закон, принятый Сеймом 14 октября 1998 года и обнародованный Президентом Государства 3 ноября 1998 года. jurfak.kemsu.ru

7. The Civil Procedure Rules 1998. http://www.justice.gov.uk/civil/procrules_fin/menus/rules.htm.

8. Закон Республики Беларусь “О прокуратуре Республики Беларусь” от 8 мая 2007 г. № 220-З. <http://www.pravo.by/main.aspx?guid=3871&p0=h10700220&p2={NRPA}>

9. Закон Республики Армения “О прокуратуре”. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1453&lang=rus>

10. Закон Республики Казахстан “О Прокуратуре” от 21 декабря 1995 года № 2709 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 04.07.2014 г.) <http://prokuror.gov.kz/rus/o-prokurature/normativnye-pravovye-akty/zakon-o-prokurature>

11. Федеральный закон от 17.01.1992 N 2202-1 (ред. от 28.11.2015) “О прокуратуре Российской Федерации”. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/

12. Конституция Республики Армения. http://www.gov.am/u_files/file/Constitution/Constitution-hin.pdf

13. Constitution of Brazil <http://www.v-brazil.com/government/laws/titleIII.html>

III. Илмий адабиётлар ва илмий мақолалар

1. Абрамов Д., Берковский Е. Предъявление прокурором заявлений в интересах неопределенного круга лиц // Российская юстиция. 2001. № 9.

2. Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. – М.: МГУ, 1991. – 91 с.

3. Байкин И.М. Вопросы ограниченного участия прокурора в гражданском процессе // Арбитражный и гражданский процесс. - 2008. № 10. – С. 20–23.

4. Викторов А. Прокуратура: статус на рубеже тысячелетий // Законность. 2000. № 12.

5. Викут М.А., Зайцев И.М. Гражданский процесс России: Учебник. – М.: Юрист, 1999, – С. 98–102.

6. Власов А.А. Не ограничивать права прокурора в гражданском процессе // Законность. 2000. № 8. – С. 41.

7. Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. – М.: – ТК Велби. Изд-во Проспект, 2003, – С. 98–102.

8. Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А. Алехина, В.В. Блажеев и др.; Под. ред. М.С. Шакарян. – М.: ТК. Вебли. Изд-во Проспект, 2004. – С. 46.

9. Давтян А.Г. Гражданское процессуальное право Германии. М., 2000. – С. 89.

10. Демидов И. Ф. Конференция о судебной власти и прокуратуре: итоги и размышления // Государство и право. 1994. № 1.

11. Диордиева О. Возбуждение прокурором гражданских дел в интересах граждан // Законность. 1998. № 8.
12. Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран. – М., 2004. – С. 480–482.
13. Жуйков В. Участие прокурора в гражданском судопроизводстве // Российская юстиция. 2003. № 2.
14. Жуков В. Рассмотрение судами дел по заявлению прокурора о признании незаконными правовых актов // Российская юстиция. 1996. № 5.
15. Журбин Б.А. Процессуальные особенности рассмотрения судами дел по групповым и производным искам. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Саратов, 2009 г. – 9 с.
16. Журсимбаев С.К. Прокурорский надзор в Казахстане. Алматы, 2003. – С. 36.
17. Здрок О.Н. Гражданский процесс зарубежных стран: Учеб. пособие. – М., 2005. – 108 с.
18. Иванов А.Л. Защита прокурором прав и законных интересов граждан в российском гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 18.
19. Карпова Е. Модели прокуратуры в зарубежных странах / Ж. “Закон и жизнь”, №3. 2012. – 52 с. <http://www.legeasiviata.in.ua/archive/2012/3/09.pdf>
20. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. 2-е изд., пер и доп / С.А. Алехина, А.Т. Боннер, В.В. Блажеев и др. / Отв ред. М.С. Шакарян. – М: Проспект, 2007. – С. 98.
21. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1–2. Отв. ред. Б.А. Страшун. – М.: Изд-во БЕК, 1995. – 647 с.
22. Кострова Н.М. Проблемы гражданского судопроизводства: Учебное пособие. – Махачкала: ИПЦ ДГУ, 2002. – 44 с.
23. Колесов П.П. Групповые иски в США. – М.: “Городец-издат”, 2004. – С. 8.
24. Лутченко Ю. Участие прокурора в гражданском процессе по новому ГПК Республики Беларусь. // Юстиция Беларуси. № 1, 2001 г.
25. Мадалиев О.М. Прокурор – қонун химоячиси // Қонун химоясида. – 2004. № 07. – Б. 38–39.

26. Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Саратов, 2002. – 24 с.

27. Мамасиддиқов М.М., Ҳабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 168 б.

28. Мамасиддиқов М.М. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича судда иш юритиш // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2004, № 2. – Б. 29–30.

29. Мамасиддиқов М.М. Прокурор ваколати, уни таъминлашнинг айрим масалалари // Ҳаёт ва қонун. 2004. №4. – Б. 39–40.

30. Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: қонунчиликдаги ютуқлар ва айрим муаммолар хусусида. “Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг янгича асосларда шаклланиши: ютуқлар ва муаммолар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2007 йил 29 ноябрь. –Т.: ТДЮИ. 2007. – Б. 112–117.

31. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма (ўзгартиш ва тўлдиришлар билан). Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. – Т.: АҚҲМИ. – 2008. – 332 б.

32. Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий қўлланма. Проф. Ш.Ш. Шорахметов таҳрири остида. – Т.: АҚҲМИ. – 2008. – Б. 18–19.

33. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2010. – 415 б.

34. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига киритилган янгиликлар (илмий-амалий қўлланма) // Масъул муҳаррир ю.ф.н. А.Б. Фафуров. – Тошкент: ЮМОМ, 2012. – 13 бет.

35. Мананников О.В. Участие прокурора в гражданском и арбитражном процессе в современных условиях // Арбитражный и гражданский процесс. 2004. № 11.

36. Мельников Н. Роль и возможности прокурора в гражданском и арбитражном судопроизводстве // Закон. 2003. – С. 89–91.
37. Мухаммеджанов Э.Б. Прокуратура в зарубежных странах. Учебник. – Алматы: «Нур-пресс», 2005. – 5 с.
38. Олимова К.К. Гражданский процесс в схемах. Учебно-методическое пособие. – Т.: ТГЮИ. 2006. – 143 с.
39. Особенности организации и деятельности прокуратуры в зарубежных странах // http://studme.org/1594102430378/pravo/osobennosti_organizatsii_deyatelnosti_prokuratury_zarubezhnyh_stranah
40. Похмелкин В. Участие прокуратуры в рассмотрении гражданских дел – юридический атавизм // Российская юстиция, 2001. № 5. – 6 с.
41. Прокурорский надзор. Под ред. О.А. Галустьяна и др. – М.: 2006. – С. 343–361.
42. Раевский П.А., Пархоменко С.А. Организация правоохранительной системы в некоторых федеративных странах мира // Информационно-справочные материалы. <http://komitetgi.ru/upload/iblock/538/538b9dcf40eca849375fa5f15da10d26.pdf>
43. Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира: Справочник. – Москва., 1993. – 111 с.
44. Рожков А.Ю. Необходимость и целесообразность участия прокурора в гражданском и арбитражном процессе // Вестник Воронежского института МВД России, № 2, 2014. – С. 58.
45. Российский прокурорский надзор. – М., 2001. – С. 136–170.
46. Садовщикова А.И. Участие прокурора в гражданском процессе, для защиты прав и интересов других лиц // Право: Теория и Практика. 2003, № 4.
47. Тараненко В. Участие прокурора в гражданском судопроизводстве не только допустимо, но и необходимо // Прокурорская и судебная практика. – М. 1999. № 1–2. – С. 131–136.
48. Тихонова Ю.В. К вопросу о процессуальном положении прокурора как участника гражданского процесса // Юридический аналитический журнал. 2003. № 2. – 84 с.

49. Титова А., Прокудина Л. Прокурор и мировой судья в гражданском судопроизводстве // Законность. 2000. 12.
50. Ференц-Сороцкий А.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1992. 4. – С. 91–95.
51. Хабриева Т.Я., Чиркин В.Е. Теория современной конституции. – М., 2005. – С. 176–177.
52. Шак Х. Ведение процесса в защиту чужих прав // Известия вузов: Правоведение. 2006. 1. – С. 42 – 58.
53. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Адолат. 2001. – 512 б.
54. Шорахметов Ш.Ш. Прокуратура тўғрисидаги янги тахрирдаги қонуннинг моҳияти // Қонун ҳимоясида. – 2001. – 3-сон. – Б. 12–15.
55. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессида бошқа шахслар билан прокурорнинг субъект сифатида қатнашишга бўлган ҳуқуқи. // Давлат ва ҳуқуқ. 2002. 1-сон, – Б. 8–12.
56. Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки // Қонун ҳимоясида. 1997. 10-сон. – Б. 23–26.
57. Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юрид. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент: 2007. – 20 б.
58. Эриашвили М.И. Участие прокурора в гражданском процессе / Под ред. М.Н. Коршунова. – М., 2002.
59. Ярыгин А.Ю. К вопросу о правовых возможностях прокурора в гражданском судопроизводстве. // Право: Теория и Практика. 2003. 16.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I. Фуқаролик процессида прокурорнинг иштирок этиш асослари, шакллари ва ваколатлари (миллий амалиёт ва хорижий тажриба мисолида)	6
1.1. Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари	6
1.2. Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг шакллари	22
1.3. Фуқаролик процессида прокурорнинг ҳуқуқий ҳолати ва уни такомиллаштириш масалалари	47
1.4. Фуқаролик процессида суд қарорларини қайта кўриш босқичида прокурор иштироки: миллий амалиёт ва хорижий тажриба	61
Хулоса	75
II. Фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир Ўзбекистон ва хорижий давлатлар қонун нормаларининг қиёсий жадвали	81
III. Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг прокуратура тўғрисидаги қонун нормалари қиёсий жадвали	140
IV. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидан кўчирмалар	176
V. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан кўчирмалар	187
Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати	206

**МАМАСИДДИҚОВ МУЗАФФАРЖОН МУСАЖОНОВИЧ
МИРАҲМЕДОВА НИЛУФАР АҲМАТОВНА**

**Фуқаролик процессида прокурор иштироки:
миллий амалиёт ва хорижий тажриба**

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррирлар: А. Омонов,
Г. Ортиқхўжаева
Техник муҳаррир: А. Аҳмедов
Саҳифаловчи: Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АИ 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: 0(371) 268-28-56, 268-28-57.
Факслар: 0(371) 268-28-43, 268-28-41.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 18.10.2016 й.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. «Antiqua» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 13,5.
Нашриёт ҳисоб табоғи 12,0. Адади 100 нусха.

«Print Line Group» хусусий корхонаси
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.